

Сайловлар олдидан

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРГА КЎМАКЛАШАДИ

Бу йилги демократик сайловлардаги янгилик — сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари тузилиб фуқароларнинг ўзлари бевосита ўз муносиб номзодларини депутатликка кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлаётганлигидир.

Биз мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази раиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов билан ушбу марказнинг мақсад ва вазифалари хусусида суҳбатлашдик.

— Акмал Холматович, маълумки, сайловлар яқинлашгани сари сайловолди ташвиқотлари ҳам авжга чиқиб бормоқда. Сайловлар арафасида яна бир ноҳукумат ташкилот — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилди. Авваламбор «Мустақил номзод» дегани нима?

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунларга 1999 йил 19 августда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг сайлав ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг қамиди юз нафар сайловчилардан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Ушбу гуруҳ номзоддан кўрсатилган томонидан — бу мустақил номзоддир. Вакиллик органларига номзодлар кўрсатишининг ушбу усули биз учун янги бўлиб, сайловчилар учун биз билган партия номзодлари ва ҳокимият органлари номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ва сайлав имкониятини беради. Мустақил номзодларга қўмаклашувчи Марказ, шубҳасиз халқ фаолигини оширишга хизмат қилади. Маҳаллаларнинг ҳам нуфузини янада кўтараяди.

— Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази қим томонидан тузилди, унинг асосий мақсади нималардан иборат?

— Авваламбор, маъруз гуаини ҳозиргача Марказий сайлов комиссиясида рўйхатдан ўтган ташаббускор гуруҳлар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари кенгашларнинг раислари ва бир қатор нуфузли ноҳукумат ташкилотлари ташаббуси эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Марказнинг таъсис мажлиси 23 сентябрь куни бўлиб ўтганлигига қарамай, ҳозирда унинг сафи тезлик билан тўлиб бормоқда. Марказга унинг

мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва ташаббускор гуруҳ вакиллари жамоа шаклида ва шахсан аъзо бўлишлари мумкин. Марказ Низомига асосан у нодавлат, нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодларни ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда доимий қўллаб-қувватлаш ва бу билан ҳақиқий кучли фуқаролар жамияти қуриш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришга қўмаклашидан иборатдир.

Марказ бунинг учун мустақил номзодларга фуқаролар ташаббускор гуруҳларини тузишида ва уларнинг сайлав комиссиялари томонидан рўйхатга олинишида қўмаклашади, сайловларда мустақил номзодларнинг умумий рўйхатини тузишда, уларга сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашларида, учрашувлар ва ташвиқот ишларини олиб боришларида ёрдам беради, мустақил номзодларнинг кузатувилашлари излаб топши, жалб қилиш ва тайинлашда ҳуқуқий, маънавий қўмаклашади. Бундан ташқари биз мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларини амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар берамиз, мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қўмаклашамиз ва манфаатларини ҳимоя қиламиз, фуқаролар, давлат ва жамбат ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқор ташкилотлар вакилларига сайловларда да иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида мунтазам маълумотлар бериб берамиз. Яъни, биз халқ ичидан кўрсатилган мустақил номзодларнинг тенг рақобат



Шаҳримиздаги 63-ўрта мактабда 565-сайлов участкаси ташкил этилиб, у сайловларга тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юборди.

СУРАТДА: тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси Доно Ризоева (чапдан биринчи) сайлов участкасининг ёш ходимлари Феруза Мўминова, Дилдора Буоматова ва Дилдора Мўминовалар билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонун юзасидан суҳбатлашмоқда. Рапил Альбеков олган сурат.

қилишини таъминлаймиз. Ҳозир барча вилоятларда марказ бўлимлилар очилиб, керакли анжомлар билан жиҳозланмоқда.

— Ҳозирги кунгача қанча ташаббускор гуруҳлар тузилди?

— Бутун республика бўйича 205 та ташаббускор гуруҳлар тузилган бўлиб, уларнинг 173 таси округ сайлов комиссиялари рўйхатидан ўтди. Ташкил этилишида сайлов қонунларига риоя қилинмаганлиги учун уларнинг 11 нафарига рад жабои берилди. Ҳозир номзодларни кўрсатиш авж паллага чиқиб, у 21 октябрга қадар давом этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ташаббускор гуруҳлар кўрсатаётган номзодлар орасида жамоа ва фермер ҳуқуқлари раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарилган раҳбарлари, давлат муассасалари раҳбарлари, кўпчилик ташкил этмоқда. Қувонарли томони шундаки, бу номзодларнинг аксарияти янги номлар бўлиб, орасида биринчи чакир депутатлари кам.

— Сайловолди кампанияси даврида ва сайловларда фаол қатнашиш имкониятига эга бўлган ушбу марказ сайловлардан кейин қандай ишлар билан шугулланиши мумкин, унинг фаолияти наватдаги сайловларга қадар тўхтаб қолмайди?

— Тўғри, юзаки қараганда бу шундай кўриниши ҳам мумкин. Лекин Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларининг иш фаолияти жараёнида баъзи депутатларнинг маълум сабаблар туйғайли мурдидан олдун ўз вазифаларини зиммаларидан соқит қилишлари, ваколатлари тўхтатилиши амалиёти ҳам мавжуд. Марказ сайловлардан кейин аниқ ўша ўрни бўшаб қолган депутатлар учун номзодлар кўрсатилишида ҳам фаол иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари Олий Мажлисдаги бўлажак мустақил номзодлар фракцияси билан иш олиб бориш Марказнинг ишлари вазифаларидан бўриб юзбоғи лозим.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди.

Ҳозирги кунда барчамизни уйлантиратган бир муаммо бор. У ҳам бўлса ёшларнинг ўқини таъминлаш, ишга жойлаштириш, касбини ўзгартириш ва ҳоказо. Бу муаммо ҳақида шунчаки гапириб қўймай, унинг амалий фаолиятини жорий этмоқ керак. Худди мана шу масала юзасидан Ҳалла тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, махлис биржаси ҳамкорлигида ошхона мулкоти тузилади. Мулкотни ўтказишдан қўзғалган мақсад «Усто-шогирд» усулини тақомиллаштириш ва биржа қошида тадбиркорлик ўқувини ташкил этиш. Мулкотни олиб борган туман ҳокими Урибосари Баҳодир Саидиднов иш билан банд бўлмаган ёшлар ҳақида шундай деди:

— Ёшларга бош-қош бўлиш, уларнинг бўш вақтларини фойдали ишларга сарф этиши борасида қайғуриш биз катталарнинг бурчимиз. Шундай экан ҳар бир маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгаши раислари ва маҳаллалар билан ишлаш учун бириктирилган инспекторлар хонадонларда бўлганларида ёки уларга ёрлаб бирор масалада мушоаат этишганда уларнинг саволларига қониқарили бевор беришга ҳаракат қилишмоқда.

«Усто-шогирд» услубини маҳалларда жорий этиш борасидаги масала юзасидан маҳалла оқсоқолларининг мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Барот Саидов кенг тўхтади:

— Туманидаги 46 та маҳалла бор. Уларнинг айримлари кенг замонавий гузарлар бор. Биз ана шу гузарларнинг бўш

эълонларни кўп ўқиймиз, — дейди «Янгиобод» маҳалла оқсоқоли Мирқодир Каримов. — Аммо бир эълонни осиб қўйган билан иш битмайди. Шунинг учун маҳаллаларга бириктирилган инспекторларнинг фаолияти ва жойлардаги мана шундай очик мулоқотлар ҳамда ҳудудий ташкил этилаётган бўш иш жойларини ярмаркаси жуда катта фойда берапти. Уган ойда бўлган ана шундай мейхнат ярмаркасида хотин-қизларимиздан 6 нафари ўқишга юборилган эди. Мана ҳадемай улар ўқини тугатиб, иш бошлашди. Гузар қошида дуррадгорчилик ва пойабзал таъмирловчи усталаримиз ишлаш билан бир қаторда яна 4-5 та ёшларга хунар ўргатишмоқда. «Катта корхоналар ишламаяпти», «Иш йўқ», деб қўл қовуштириб ўтирган билан бўлмайди. Хурматли ёшларимиз ҳам биз кексалардан билмаганларини сўрасин, ўрганишин. Озгина ҳаракат қилиши бўлгани, ҳам ишли, ўқимшли, хунарли инсон бўлиб воёяга этишади.

Бир йилга чой устида бўлган очик мулоқот анча давом этди. Мулоқот жараёнида муаммоли савол ва тақлифлар ҳам бўлди. Бу тақлифлар ва саволлар тез кунда ўз ечимини топиб, тегишли шахсларга маълум қилиниши аййтиб ўтилди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Мулоқот

МАҲАЛЛА – БАНДЛИК – ЁШЛАР

Бир йилга чой устида бўлган очик мулоқот анча давом этди. Мулоқот жараёнида муаммоли савол ва тақлифлар ҳам бўлди. Бу тақлифлар ва саволлар тез кунда ўз ечимини топиб, тегишли шахсларга маълум қилиниши аййтиб ўтилди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Саноат

БУЮРТМАЧИЛАР ТАЛАБИ ОРТДИ

Кейинги пайтларда пойтахтимизнинг автотранспорт бўлаги текис ва раван бўлиши билан бирга янги ер ости йўллари, кўприklar, проспекtlар, теширар магистраллар, кесиб ўтмиш жойларининг пайдо бўлиши жайдовчиларга янада қулайлик яратмоқда.

Ушбу ўзгартишларда Қўйлик тажриба заводининг ҳам бекиёс хизматлари борлигининг гувоҳи бўлмади. Бу ерда темир-бетон блоклар, панеллар, бардорлар, темир қолиплар ҳамда йиғма бетон учун ускуналар ишлаб чиқарилади. — Корхонамиз ишчилари, — дейди директор вазишаси бажарувчи Искандар Юсупов. — Қўйликдаги кўприкни тўла-тўқис таъмирлашда жонбозлик кўрсатди. Жорий йилнинг саккиз ойи ичида 42 миғ кубметр йўл ва кўприklar учун зарур ҳумаш ишлаб чиқарди. Уз вақтида ва самарали бажарилган ишлар ҳисобига буюртмачиларимиз талаблари янада ортиди. Табиийки, бу ҳол корхонанинг иқтисодий аҳолига ижобий таъсир қилди ва натижада ишчиларнинг ойлиғи 15—20 миғ сумга етди.

Ишчилар учун аъло даражали ва арзон нарҳда тушилик қиладиган ошхона, ҳордик чиқариш, душ ва тиббий ёрдам учун алоҳида хоналар мавжуд. Шунингдек, янги дам — меҳнатга ҳамдам, деганларидек, ҳаршанба ва яқшабна кунлари ишчилар ҳамда муҳандис-техник ҳодимлар тоғ ён бағирларига бориб ҳордик чиқариб қелишади.

Уилаймизки, ана шундай эл олкишини олаётган ҳамюртларимизнинг меҳнатлари самараси туйғайли шаҳримиз кўчалари янада кўркамлашиб бороверади.

УСМОН УСМОНОВ.
СУРАТДА: арматураси цехи ишчиси Роман Бигъяддин. Муаллиф олган сурат.



Уилаймизки, ана шундай эл олкишини олаётган ҳамюртларимизнинг меҳнатлари самараси туйғайли шаҳримиз кўчалари янада кўркамлашиб бороверади.

Тадбиркорлик

«МАШХУРА» ФИРМАСИ ЯНГИ БИНОДА

Нафақат шаҳримизда, балки бутун юртимизда машхур бўлган «Машхура» хусусий фирмасининг янги биноси ишга тушибди.

Уч қаватли бу бино Беруний майдонида бунёд этилган бўлиб, умумий майдони 1200 квадрат метри ташкил этади. Машхулотларни самарали ўтказиш, турли амалий дарсларни ўтиш учун янги бинода ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларида ҳар хил ўкув курслари, дам олиш хоналари, ўқишга кирувчиларни қабул қилиш хонаси ва бошқалар жойлашган. Учтинчи қаватдан эса катта ва шиман кўргазмалар зали, 500 ўринга мўлжалланган турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган зал ўрин олган.

— Яқинда янги биномизнинг очилиш маросими бўлиб...

ди, — дейди қувонч билан «Машхура» хусусий фирмаси раҳбари Машхура Юсупова. — Шунинг билан айтаётган керакки, янги биного биринчи марта Корея Республикасининг делегация аъзолари ташриф буюришди. Улар фирма фаолияти билан қизиқиб, ўқув хоналарини кўздан кечиришди.

Ҳозирги кунда фирмада шаҳримиз ва вилоятлардан келиб курсларда ўқийтган ҳотин-қизлар ҳаммаси бўлиб мингга яқини ташкил қилди. Режаларимиз катта. Ноябрь ойидан фирмада янги курслар очаямиз. Парда тикиш курси, хотин-қизларнинг лекциясининг келган делегация аъзолари ташриф буюришди. Улар фирма фаолияти билан қизиқиб, ўқув хоналарини кўздан кечиришди.

— Яқинда янги биномизнинг очилиш маросими бўлиб...

Ҳар фаслнинг ўз гашти бор...

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, яқунланган ёс фасли иссиқлик энергетикаси ҳодимлари учун марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларини иситиш мавсумига тайёрлашга доир жиддий ишларни амалга ошириш фурсати бўлганлигининг гувоҳи бўлди. Айтиш жоизки, марказлашган иссиқлик таъминоти тизими уч «Наҳан» устида туради. Биринчиси — Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг қудратли иссиқлик манбаларидан саналган «Тошиссиқликмаркази»нинг 9 та иссиқлик марказлари ва Тошкент иссиқлик электр станцияси, иккинчиси эса «Тошиссиқликкуват» ишлаб чиқариш биноси бўлиб, 1447 километр узунликдаги магистрал ва таксимловчи иссиқлик тармоқларидан, уларга қурилган 62 та насос станциялари ва маҳаллий қозонхоналардан фойдаланадики, бу эса алоҳида бинолар ёки касалхоналар, болалар боғчалари, мактаблар, турар жой уйларининг иссиқлик таъминотини таъминлаб турадиган 127 та қозонхоналардан иборат мажмуадир.

Бундан ташқари республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан жорий йилнинг август ойидан бошлаб тажриба тарихидаги сарф-ҳаражатларни қамайтириш мақсадида қудратли иссиқлик марказларидан бири бўлган «Корасул»-2-ИМ дан фойдаланишмоқда. У Мирзо Улughбек туманидаги турар жой мавзеларининг анчагина қисминини иссиқлик билан таъминлайди. Ва няхоят, учинчиси уйлар ичидаги иссиқлик таъминоти тизимлари — иссиқлик тармоқлари, ертўла ва уй ичи қувурларидан фойдалануви исстеъмолчилардир.

«Кий ғамини ёзда» е десан нақлга амал қилган ва аҳолига қишда қулайлик яратишга интилаётган «Тошиссиқликкуват» ишлаб чиқариш биноси билан таъминлаш баҳорда иситиш мавсумини таъминлаш қизғин кунларини бошлаб юборишган. Жорий йилда шунининг энг катта иссиқлик тармоқларининг пухта ишлашини таъминлашга доир яқинлашиб келаётган иситиш мавсумидаги асосий тадбирлар, бу эскирган қувурларни алмаштириш бўлиб, 91 фоизга бажарилди. 118 километр узунликдаги янги қувурлар таъмирланди, бу эса ушбу тармоқлар бўйича иссиқлик таъминотининг узлуқсиз ишлашига қафолат беради. Қайта ётқизиш дастурининг қолган қисмига қувурлар етказиб бериш қўтирилмоқда, шартномалар тузилган. Тармоқларни намунавий мукамал таъмирлаш муваффақиятли бажаришмоқда. Йиллик дастур ҳажми 394 километр бўлган ҳолда ҳозирда 389 километрга бажарилди. Бу борада 8615 тона тиркачи арматуралар, 1144 зичлагичли комплексаторлар, 2311 та иссиқлик камералари таъмирланди. 2691 метр узунликдаги иссиқлик қувурларининг изоляциялари тикланди ва қўллаб бошқа ишлар бажарилди. 62 та насос станцияларининг жиҳозлари таъмирланди.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитларидаги исстеъмолчиларнинг тўловлардан қочиб...

Қиш тайёргарликни ёқтиради БЎЛСИН ДЕБ...

лари ва бошқа турли сабабларга қўра айрим муаммоларнинг мавжудлиғи ишлаб чиқариш учун керакли ашёларнинг зарур миқдорда олиш имконини бермаётди. Бирлаша ҳодимлари томонидан иссиқлик тармоқларига «заиф» аварияга ва бузилишларга олиб қилиши мумкин бўлган жойларни аниқлаш ишига катта аҳамият берилмоқда.

Энг оқори ҳароратга ва ойирича босимга чидаш бўлишга ўтказилган синовалар қувурларнинг 534 жойида носозликлар борлигини кўрсатди. Синовалар натижада аниқланган бундай қўп носозликлар бизни ташвишландирди шунинг қувонтиради. Аҳир буларнинг ҳар бири қиш фаслида қўпгина «иш ортинчи» исстеъмолчиларни ўқини, иссиқ сувни тўқис, носозликларни тездан бартараф этиш билан боғлиқ ишларни бажариш учун куч ва маблағ талаб қилиши мумкин эди. Афсуски, иссиқлик тармоқларидаги шикастланган ишларни иситиш мавсуми орасидаги даврда бартараф қилиш қишда биноларни иситиш ишида камчилик бўлмаганига қафолат бера олмади. Бирлашманинг қуч-ғайра...

қалаш тизимлари жуда қўп ҳолларда хонадон эгалари томонидан бузилади: қўшимча радиаторлар ўрнатилган, айвончаларга ноқонуний ўрнатилган иситиш асбоблари иссиқ сув тизимига уланиб, иссиқ сув хона ичига оқизилади, иссиқлик туғунларидан, баъзи бир тек ўрнатилган иситиш қувурларидан сув тўқис ишлари ташкил қилинади. Бу эса қўшни уйлардаги иссиқлик таъминотини, шунингдек шу уйдаги бундай ноқўғри ишни қилмайдиган бошқа хонадонларнинг иситилишини издан чиқаради.

Ҳамшаҳарларимиз ҳам берилишни таъминловчи ҳисобланган торайтириш қурилмаси ўрнатилганда, — иссиқликнинг қатъий равишда чеқлайдиган, шартномада кўрсатилган миқдорда берилишни таъминловчи ҳисобланган торайтириш қурилмаси ўрнатилганда.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, шаҳар иссиқлик манбаларининг қуввати барча исстеъмолчиларимизни, иссиқлик билан таъминлаш учун, ҳаттоки совуқ кунлардаги иссиқлик манбаларига газ етказиб бериш қийинлашган вақтларда ҳам хонадонлардаги ҳароратни ҳисоб-қисқилбардагидек бўлмаса-да, қаноат ҳосил қилиш даражасида ушлаб туриш учун етарли. Бу таъминот эса торайтирувчи қурилмалар барча жойларда ва ҳисобланган миқдорларда ўрнатилган ва иситиш тизими лойиҳадаги мисел келган тақдирдаги амалга оширилади. Бироқ, турар жой уйлариининг лойи-

Дил изҳорчи

МЕҲНАТ ҚАДРИ

«Тошкент оқшом» менинг сеvimал газеталаримдан биридир. Қўғиш оқшомлар қатори унда чоп этилаётган мақолаларни ошхот билан кузатиб бораман. (Ўнги пайтларда газетада жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, чуктур ҳайъти қарашларга бой мақола ва публицистик материаллар қўйилганлигини эсимдан кўришни билмайман).

Бу мақолаларнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги одамни оҳанрабодек сеҳрла олади. Бир мураббий сифатида мен газетда берилаётган материаллардан тарбиявий соатларимда, баъзан долсларимда самарали фойдаланиб келаяман. Масалан, ҳаётда поккиза виждон билан яшаш, тўғри, ҳалол бўлиш катта бахт эканлиғи ҳақида гап борар экан ўқувчиларимга «Ҳалоллик» сарлавҳали қатарни ўқиб бераман. Ёки ота-она фарзанд учун топиламан, бебаҳо бахт эканлигини таъкидлар эканман, «Сувничи» сарлавҳали қатрага муражат қиламан. Яқинда газетада Шукур Дадашининг «Биллурдек ноқиз ва беғубор» сарлавҳали мақоласини ўқиб қолдим. Ундаги сўзбоши ўрғинида берилган ташбеҳнинг ўзиёк одамни ҳайратта солади. Мустақиллик йиллари кўпгина соҳалар қатори тавлим-тарбияга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мана, икки йилдан буй ўқитувчилар ва мураббийлар кўни деб эълон қилинган умумхалқ байрамининг республикамизда омманвий тарзда нишонланаётганлигининг ўзи ҳам наусталгага бўлган чекиз ҳурмат-эҳтиромдан далолат бериб турибди.

Мана бу йил ҳам ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан маорифимизнинг бир қанча заҳматқашларига давлатимизнинг турли мукофотлари берилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг байрам табриғи эълон қилинди. Бу мукофот ҳамда табриқ устоз-мураббийларга янги-янги куч-қувват бағишлади.

Мукофотланганлар сафидан менга I даражали «Соғлом авлод учун» ордени берилиши бошимни кўкка етказди. Аҳир меҳнатинг қадрланганини қўғга, қалбнинг дарёсида тошчи табий эмасми?! Уз-ўздан дилинган ҳам, тилинган ҳам ташаккур, раҳмат каби сўзлар булоқдек қайнаб чиқарар экан. Шу кунларда шундай юксак мукофотга сазовор бўлганлигимдан бир тарафдан шод бўлсам, иккинчи тарафдан бундай ишонч, обрў менинг зиммамга ўзи каби юксак масъулиятни юклаганигини янада чуқур ҳис этмоқдаман.

Шундай экан Мустақил Ўзбекистонимизга садокатли, ҳақиқий ватанпарвар ёшларни тарбиялашдек шарофтли ишларимизни янада юксак қадрлайлик ва мардонавор янги қадамлар билан меҳнат зафарлари томон интилоқлиқни мақсад қилиб ишлаялик.

Майсара ОРИПОВА,
Чилонзор туманидаги X. Ҳасанов номли 126-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени иншондори.

«Тошиссиқликкуват» ишлаб чиқариш биноси ҳодимлари тайёргарлик ишларини ўз вақтида жунлаб, аҳолини керакли иссиқлик билан таъминлашга муносиб улуш қўшади. **Шарифа ИЛЁСОВА.**

Тўй — инсон ҳаётида энг унутулмас, бахти кун ҳисобланади. Ҳар бир ота-она фарзанди бахтини-камалини қуришни, тўй томоша қилишни орзу қилади. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида Президентимиз қандай ўтганини? Президентимизнинг ўтган йил тўй-ҳашамлар, маросимларимизни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида Фармони амалда қандай таъбиқ этилган. Шу ҳақда шахримиздаги бир неча тўйлар маҳалла фуқаролари йиғини раислари билан суҳбатлашиб, кўйидаги жавобларни олдик.

ДАБДАБА — САХИЙЛИК ЭМАС

Хуршид ОРИПОВ, Юнусобод тумани «Чинор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:
— Биз ўзбеклар тўй-ҳашам, меҳмондорчилиқни азалдан яхши кўраемиз. Халқимиз меҳмондўст, сахий. Лекин сахийлик ҳам ҳар хил бўлади. Ортиқча дабдаба, исрофгарчиликни асло сахийлик деб бўлмайди. Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлгани яхши. Бизнинг «Чинор» маҳалласида 8 ярим минг аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла бешта ўрамга бўлинган бўлиб, ҳар бир ўрамда ўрам бошлиғи, тўй комиссияси аъзолари бор. Шунингдек, худудимизда 3 та тўйхона мавжуд. Қайси бир хонадон эгаси тўй қилмоқчи бўлса, албатта тўйдан олдин тўй комиссияси аъзолари, оқсоқоллар билан бамаънаса тўйни қай йўсида ўтказиш ҳақида келишиб олинади. Масалан, яқинда ўтказилган тўйларда ЗАГС никоҳ кўни бирга ўтказилди, спиртли ичимлик қўйилмади. Микрофон овози етти маҳаллага эшиттириб эмас, ўртача овозда қўйилди. Дастурхондаги ноз-неъматлар ҳам

керагидан ортиқча эмас. Айниқса, чарлар деган тўй маросими жуда ихчам ўтказилапти. Бундан ташқари таъзия маъракалари ҳам аллоҳда аҳамият берилмоқда. Бошига оғир мусибат тушган таъзияли хонадонларга бориб келишиб, маъракалар — ети, мовлуд, хадим, йиғирма, қирқ каби ортиқча маросим-

лум. Айниқса, қуда томонга, келин ё кўвга қилинадиган сарполар, туғунлар масаласи билан аёллар кўпроқ шу гулланади. Шунингдек, чарлар тўйи ҳам асосан аёллар зиммасида. Бундай ўйлаб қаралганда мана шу чарлар тўйини қилиш шартмикин? Автобусни лиқ тўлдириб, кўлида ёш боласи билан ёки

ана шундай дабдабали тўйлارга чек қўйилган. Айниқса, чарлар маросими жуда қисқартирилган бўлиб, тўйдан сўнг оилавий бўлиб қуда томонга бориляпти. Қудалар билан танишув бежирим, тўкин дастурхон атрофида бўлиб ўтмоқда. Тўй кўни юбориладиган сарполар, туғунлар қамайтирилган. Ма-

қатан тўйлар жуда тартибли, файзли ўтмоқда. Лекин бир нарса бизни хафа қилмоқда. Кўшни маҳаллаларда ҳали ҳам дабдаба билан ўтаётган тўйлар учраб туради. Каторлашиб ЗАГСга кетаётган «Мерседес», «Лимузин»лар бизнинг кўчалардан ўтаётганда ёшларимиз эътиборини тортмай

ҳар ким ўзича, хоҳлаганча ўтказадиган тантана эмас. Қадимдан тўйлар тўйбоши, оқсоқоллар бошчилигида, уларнинг маслаҳатлари билан ўтган. Маслаҳат оши деган удумлалар бўлган. Ҳозирги тўйлар ҳам албатта маслаҳат билан, кенгашиб ўтказилмоқда. Ахир «Маслаҳатли тўй тарқамас» деб беҳиз айтилмаган. Маҳалламиз тумандаги ибратли маҳаллалардан ҳисобланади. Худудимизда 5350 та аҳоли яшайди ҳамда иккита оилавий ётоқхона мавжуд. Тўйлар анча ихчам, қисқартирилган ҳолда тартиб билан ўтмоқда. Мен ўзим яқинда тўй қилдим. Тўртта тўйни битта қилиб ўтказдим. Никоҳ тўйи, бешик тўйи, ўғил тўйи, юбилей тўйи. Ҳаммаси бир кунда ўтиб, исрофгарчилик, ортиқча харажатлар бўлмади. Бошқа хонадонларда ҳам тўй-маъракалар иложи бори-ча дабдабасиз ўтказилляпти. Спиртли ичимлик қўйиш, эрталаб нахорга 50—60 кило ош беришлар йўқ қилинган. Маҳалламиз аҳли бир-бирлар билан иннок. Хотин-қизлар кенгаши раиси Маҳмуда Тиллабекова бошчилигида чарлар маросими жуда ихчам, оилавий танишув тарзида ўтказилмоқда...

Ҳақиқатан, дабдабали тўй кимга керак?! Ортиқча харажат, исрофгарчиликнинг охири вой бўлмадики. Баъзилар тўйда пул сочишни яхши кўради. Пул топиш айниқса, ҳозирги кунда осонми? Уни супуриб олувчилар ёки кимдир чўнтагига солиб кетувчилар наҳотки орамизда ҳали ҳам бор бўлса. Ахир бир кун бу пулларнинг уволи тутмай қолмас керак. Бойлик бир умр берилган неъмат эмас. Уни вақтида ақл билан тежаб-тергаб фойдали, керакли нарсаларга ишлатган одамгина бир умр ҳам маънавий, ҳам моддий томондан бой бўлиб қолади. Маънавий қашшоқ одам сира бой бўлмайди.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

МУНОСАБАТ

ЮРТИМИЗДА ФАҚАТ ТҮЙЛАР БЎЛАСИН

лекин камтарлик ва меъёрни унутмайлик



лар йўқ қилиниб, ўрнига ҳудуди ўтказилляпти. Бу ишларда маҳалла оқсоқолларининг ҳамда маҳалла раисининг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосари — иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмадиёр Шокировнинг хизматлари катта бўлмоқда.

ЧАРЛАРГА КИМ БОРАДИ?..

Раъно ҚОСИМОВА, Акмал Иқромов тумани «Ўрикзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:
— Тўйлар ҳақида гапирар эканмиз, албатта тўйда аёллар зиммасида ҳам кўпроқ оғир вазибалар борлиги маъ-

икки боласини етаклаб олган етти ёт бегона кўшнilar қуда томонга узун-қиска бўлиб кириб бориши тўғрисида? Ховлико уйлари тўлдириб, келган меҳмонларга алчак саккиз-ун хил овқатлар, патнису лаганларда ноз-неъматлар тортиш шартмикин? Беҳисоб қимматбаҳо сарполару 60—70 талаб қатор-қатор тоғора-туғунлар жўнатиш кимга керак? Фақат хўжақўрсинга, бошқаларга, қудаларга ўзини кўз-кўз қилиш, мақтаниш эмасми бу. Бундай тўй қилган одамлар фарзандининг бахтини, келажини мана шу бойликлари билан ўлчасалар катта хато қиладилар. Бизнинг маҳалламизда

на яқинда маҳалламизда Озода опа Раҳимова ўғил уйлантирдилар. Тўй ортиқча дабдабасиз, ихчам ўтказилди. Шунингдек, Каримхожи ака Юсупов хонадониди ҳам киз узатилди. Бу иккала тўйда ҳам чарларга оилавий бўлиб борилди. Яна шуни айтиш керакки, тўйда киз томонга бериладиган қалин пулга олинмай, шу пулга куёв ўзига кийим олиши айтилмоқда. Бу фикр икки қуда томонга маъқул тушмоқда... — Тўй кўпчилиги билан, албатта, — дейди маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси, А. Иқромов тумани «Оила маркази» раиси Раъно Турсунқўжаева. — Маҳалламизда мақтаниш эмасу ҳақи-

қолмайди албатта. Бундай қолга қачонгача йўл қўйилди? Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, тўйларни бир хилда ўтказилса, ортиқча гап-сўзлар, хафагарчиликларнинг ҳам олди олинган бўларди.

МАСЛАҲАТ БИЛАН, КЕНГАШИБ

Тоҳир МУСЛИМОВ, Шайхонтоҳур тумани «Хадра» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:
— Аввало юртимизда фақат тўй бўлсин. «Тўй кургин, гам кўрмагин», деб дуо қилади кексаларимиз. Тўй

Новосибирск шаҳрида тақдир тақозаси билан уч кун бўлишига тўғри келди. «Ўз уйинг — ўзан тўйинг», деб бежиз айтишмаганда, Сафаримизни қанчалик кўнглини ўтказишга харажат қилмайлик, барбир уч кеча-кундуз бизга уч йилдек туюлади. Қанчалки, жўнашимиздан бир кун олди самолёт чиптаси қўлимизга текканидан сўнг, кўнглимиз бизоз таскин топгандек бўлди. Қани энди оралик мўддат тезроқ ўта қолса-ю, она юртга қанот билаб ўча қолсак.

Соатга қарасак кечки 6 бўлибди. Демак ихтиёримизда яна 18 соат вақт бор. — Юринг, диққинафас бўлиб ўтиргунча кўча айланиб келамиз. Ёзилиб вақт қандай ўтганини билмай қоламиз.

Ҳамроҳимнинг бу гапи маъқул тушиб, саёхатга чиқдик. Ҳаво тунд, сентябрь ойининг бошланиши бўлсада, изғирин шамол ачитиб турибди. Устимиз юпун бўлгани учун қадамимизни тезлаштирдик. Шу аллоҳда шаҳар марказидаги кинотеатрга етиб улгурмай, шаррос ёмғир қуйиб юборди. Узимизни панана олдик. Ёмғир тинишини узоқ кутдик. У баттар авж олаверди. Турчишимиз бефойда эканлигини билиб йўловчи машина тўхтатиб орқага қайтдик. Шунда ҳаёлимга ҳазрат Навоийнинг ушбу мисралари келди:

«Фурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафику, меҳрибон бўлмас эмиш».

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,

Бубулға тикондек ошиён бўлмас эмиш».

Тўсатдан ҳамроҳим менга қараб: «Биз-ку уч кунгина она юртимиздан айро яшабга чидай олмаямиз. Аммо арзимас низо, ичкералик, бахиллик ёки жиноят ботқоғига ботиб киндик қони тўкилган ўлқани тарқатиб, ватангадо бўлиб чет элларда дарбадар кезиб юрган ватанфуршлар бунга қандай чидайди экан? Бунинг учун инсон юраги тош бўлиши керак-ку», деб қолди.

Икковимиз ҳаёл оғушига чўмдик. Гарчи бу воқеага орадан анча йиллар ўтиб кетган бўлсада, ҳамроҳимнинг ўша сўзларини ҳамон кечгайдек эслаймани...

Ўйлаб ўйимга етолмайман. Ватанфуршлар қайдан пайдо бўлади ўзи? Уларнинг тағи-эоти борми ўзи? Агар бор бўлса нега улар Ватандан айро яшаб бўлмаслигини, сотқиннинг тақдири ҳамиша аянчли яқун топишини нега тушунишмайди? Бунга тарихининг ўзи гувоҳ. Ҳеч бўлмаса

замон зайли билан мажбуран ўз юртини, ҳовли-жойини, боғу роғларини тарқ этган ватандошларимиз қисматини кўз олдиларига келтиришсин ёки улардан сўрасин, ҳаммасини оқимай-томизмай айтиб беришади.

Беихтиёр шундай савол туғилади. Уларку қувинга учраб умр бўйи Ватан илнжини, дунинг бир сиким тупроғини кўзига тўтиб қилиш орзусида яшаган инсонлар, лекин сизчи? Шундай озошлик, эркинлик, дорилондон замонда сизни она сўзидек муқаддас юртини, киндик қони тўкилган табаррук заминни ташлаб ўзга юртларда ватангадо бўлиб юришингизга ким, нима мажбур қилаяпти?

Ўз уйим — жону жаҳоним

ВАТАНДИН ЯХШИ ЁР ЎЛМАС...

ти? Ахир бу нўқурлик, тўз ичган тузликка тупуриш эмасми? Бу ноҳўя қилмишларингиз билан эл-юрт, халқингиз тавқи лазнатиға дучор бўлиб юришдан кўра, овоз ва обод юртингиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб, шундай серқўш ўлкада яшаётганингиздан мағрурланиб, кўркак кериб юрсангиз бўлмасми?

Ҳўш бу қўрлик, басирлик сизга нима берди? Шу йўл билан нима орттирдингиз? Ахир йўлдан. Ўз йўлини, ёрқин манзилларга элтувчи гам-хўр сарбонини топган халқни адаштириб бўладими? Ҳеч бўлмаса 16 февраль воқеаларини эсланг.

Дарҳол ҳаёлимиздан турли йўллар, бир-бирдан чигил саволлар кечди. Қаерда хато қилдик ўзи? Истиқлол берган неъматларга махлиё бўлиб ўта хотиржамликка берилиб кетдикми? Бу ёруғ оламда яхшилик билан бир каторда ёмонлик ҳам ҳўкм суришини унутгандек бўлдими?

Энг муҳими бу воқеа кўзимизни каттароқ очди. Орт-бошимизнинг ҳаммиса бизни оғоҳликка даъват этиб келишларида катта ҳикмат борлигини ўшанда оярақдан янада чуқур ҳис этдик.

Ҳаётда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга синчков муносабатда бўладиган, тинчлигимиз, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асрайдиган, кўчимизда пайдо бўлган ҳар бир кимсага беварқ қарамайдиган бўлидик. Табиийки, Чеченистон, Қирғизистон ва Москва воқеалари бизни ҳам ташвишга солиб янада хўшёрликка ундамоқда. Бу воқеалар биздан узоқда, ўзга юртда содир бўлаяпти, деган тўшунчаларга берилганимиз

йўқ. Улар бизни ҳамиша оғоҳликка қорламоқда. Тўғри, ҳаёт ва инсон бор экан, у турфа камчиликлардан ҳоли бўлмайди. Бунинг устига баъзан истамаган ҳолатда хотиржамлик қайфияти, лоқайдлик балоси ҳам биз билан ёнма-ён юради. Агар шундай бўлмаса эътиборсизлик қилиб одамлар гавжум жойда тўхтаб турган машинаимизни бировга олдириб ўтирмасдик. Бир ўйлақда турадиган кўшнимизнинг уйига оралаган бегона оёқни диққатимиздан четда қолдирмасдик. Автобус бекатида бировни тунаб кетса, трамвайда ўзга бир аёлнинг тақинчоқларини оғиб олишса беҳабар қолмасдик.

Бетга айтганимиз заҳри йўқ. Камчиликларимиз

зийдимиз? Фахрланишга ҳам, гурурланишга ҳам ҳаққимиз бор...

Ҳаёлар гирдобидан бир дам узоқлашиб яна Новосибирск воқеасини эслаймани. Ўша Ватандан олисда бўлган кезимизда аксига олиб ёмғир ва қор бўрони кучайгандан кучайди. Самолёт парвозига тўни соат 2 гача рўхсат беришмади. Тоқатимиз ток, қанча дилдираб ўтирдик.

Ниҳоят самолёт ўриндиқларидан жой олдиқ. Ҳайрият, моторлар ишга тушди. Қўш қанотли лайнеримиз бир силқиниб учиб майдони томон йўл олди.

Тахминан бир ярим соатлар чамаси қўқ бўлтулар орасида учдик. Кейин туман аста-секин ортимизда қола бошлади. Бора-бора ёрқин йўлга чиқиб олдик. Диллимиз равшан тортиб уйқу элтиди. — Туринг, Тошкентга келаямиз.

Ҳамроҳимнинг ундоғи билан кўзимни очиб самолёт ойнасидан пастга қарасам бир ажойиб манзара. Шаҳримиз гўзаллиги бутун буй-баста билан осмондан шунақанги яққол кўзга ташланиптики, лоф бўлмаса манааман деган ҳар қандай мўйқалам устаси бу дилрабо қуришини тасвирлашга оғизлик қилади.

Чироқлар, чироқлар, чироқлар, улар юлдузли осмонга туташиб бир бутун яхлитликни кашф этган. Уларнинг ёрқин порлашидан тунги Тошкент яққол кўзга ташланади. Текиё тўртбурчак шаклида қурилган бинолар шахмат тахта-сида қатор терилган дона-лари эслатади. Кўп қаватли уйлар оралиғидаги яшил зоналар, тўғри чиқиб ўйлаб кетган шоҳқўчалар четиға экилган дархатлар шаҳарга бир қирой бахш этганки, қараб кўзинг тўймайди.

Самолётимиз мисоли қуш айлана-айлана ниҳоят ерга қўнди. Йўл-йўлақай бизга ҳамроҳ бўлиб келган стюардесса қизнинг жарангдор овози эшитилди. У 3,5 соатли парвозини муваффақиятли ўтганини билдириб, ҳозир Тошкентда об-ҳаво 25 даража иссиқлигини эълон қилди.

Бутун йўл бўйлаб самолёт салоинида сақланиб келган совуқ ҳарорат бирдан вужудимизни тарқ этгандек бўлди. Танамизга ажиб бир иссиқлик югурди. Бу қўшли ўлқанинг ўзига хос, дилчимизга мос ором берувчи шифобахш ҳарорати эди. Шундай ҳароратли тароватли, бағри кенг, сахий ва меҳмондўст юртимизни яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин! Юртимиз тупроғига шундай ният билан қадам қўйдик.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



Кузги чақирӣқ

МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳар бир йиғит учун Ватан олдидаги бурчиди, яъни ҳарбий хизматини ўташ муқаддас бурч саналади. Мустақил юртимизда воқеа етиб, ўз бурчини ўташ орзусидаги йиғитлар шу кўнларда кузги чақирӣқ муносабати билан қуролдан кўчар сағига жўнамоқдалар.

Пойтахтимиздаги ҳар бир туман мудофаа ишлари бўлимлари шу кўнларда йиғитлар билан гавжум. Улар бу ерда тиббий кўриқдан ўтиб, ўз олдиларигадаги бурчини бажариш учун республикамизнинг турли бурчларидаги ҳарбий бўлимларга йўл олмақдалар. Уларни кузатгани чиққан ота-оналари, қавму қариндошлари, ёр-биродарлари ўз жигаргўшаларига қара-та «Ватан олдидаги бурчи-

нги шараф билан бажар, ой бориб омон келгин» деб энг эзгу дил сўзларини изҳор қилмоқдалар.

Сураткаш муҳбиримиз Рустан Шариповнинг қуни кеча шаҳар қақуриув жойидан тасвирга туширган ушбу суратлари ҳам юқоридики фикримизнинг ёрқин далилидир. Ватан хизматига отланган йиғитлар ўзла-қаддас бурчларини шараф билан бажаришга, юртимиз сарҳадларини мардлик ва ботирлик билан қўриқлашга қарор қилганлар. Биз билағида қучи, юрағида ўти бўлган бу йиғитларимизга оқ йўл тилаб қоламиз.

Саид БОТИРОВ.



Шарқ гурғоналари

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИБ ДОМО БЎЛУВ...

• Билгинки, инсон ҳилқати билан икки йўлга юришга қодир. Аввало у ўз феълини яхшилаши, ҳулқини поклаши, қалбини мусофто қила олиши ёки ёмон феълларга ўрганиб, расолат ботқоғига ботиши мумкин. инсон ёшлигидан шу икки йўлнинг қай бирига мойил бўлса, бора-бора бу феъллар унинг табиатиға мустаҳкам ўрнашиб бораверади.

Инсон ўз-ўзини поклаши учун доимо улуғликка етказувчи, саховатни барпо қилувчи азизлик келтирувчи хислатларни эғаллашга интилиши ва буларни қамайитирувчи феъллардан узоқлашиш йўлини қидириши лозим. Бундай хислатларга эға бўлишда эса аввало ота-онанинг тарбияси ва таъсири қучли бўлиши зарур.

ҲИКОЯТ. Икки даъвогарни қозининг ҳузурига олиб келишди. Ҳар иккови ҳам бир нарса устида бир-бириға ваъда қилишар эди.

Қози биринчи даъвогарға қараб: — Гувоҳинг ким? — деди.

— Худо! — деб жавоб берди даъвогар.

Мавлоно Қутбиддин Шерозий ҳам шу ерда ҳозир эди. У даъвогарға қараб: — Гувоҳликка шундай кишини кўрсатгинки, қози уни танийдиган бўлсин! — деди.

ҲИКОЯТ. Мавлоно Қутбиддин бадбашара ва бадфеъл бир одамдан: — Исминг нима? — деб сўради.

— Одам! — деб жавоб берди у.

— Сенға одам деб исм қўйган кишиға раҳматлар бўлсинки, агар бошқа исм қўйганда, одамлигини одамлар қаердан билишарди! — деди Мавлоно Қутбиддин.

• Мол ва бойликнинг умри қисқа, тезда завол топади, аммо яхши ном узоқ асрлар ўлмай яшайди.

• Бутун қуч саломатликни сақлашға қаратилиши лозим, чунки саломатлигинг бузилса, ҳаётинг ва машақатинг бузилади; ичишда, ейишда, ухлашда ҳа-ловат ва роҳат қолмайди.

Абдулқодир Нурий ал-БАРЗАНЖИЙ.

• Бир доно сўзи: — Дунё азоби тўрт нарсадандир. Биринчиси — қарилик, танҳолик ва кимсасизлик. Иккинчиси — беморлик ва бемадорлик, мусофирлик. Учтинчиси — камбағаллик онлариди қардорлик. Тўртинчиси — йўлнинг узоқлиғи ва пиёдалик.

Ҳар бир киши уйда ва жамоат орасида қуйидаги одатларға амал қилмоғи керак.

Юришда: кўзингға қараб юр, зарурат бўлмаса шомша, билмаган йўлга таваккал қилиб юрма, юриб кетаётиб нарса ема!

Дам олишда: бошни осилтириб ўтирма, ўзингни изтиробли кўрсатма, мажлис ахлининг кўзу юзига кўп қарама, ёнбошлаб ўтирма, бадан аъзолари, соқол, устивош билан қўлингни ўйнама, эрта туришни одат қил!

Одамларнинг равақ топиши уч нарсаға — ўзгалар ҳақидан кўрқишға, порахўр бўлмасликка ва роқст сўзликка боғлиқдир. Илм ва яхшилик бир-бирорисиз ҳеч нарсадир.

Назм:

То имкон борича кам бўлсин сўзинг,
Сендан сўрамаса, сўлама ўзинг.
Кўргин, қулоқ икки, сўз эса баридир,
Демак, икки эшит бир сўла сўзинг.

Бир дононинг айтишича: «соҳибдил шундай кишики, у доимо ўлим олдинда турганини ўйлаб, тезроқ яхши ишлар қилиб қолдиришға уринади. Покдил шундай кишики, у ўзини доимо ҳасад ва рибдан покиза тутайди. Хушхулқ шундай кишики, у ёмон ишларни ҳам яхшилик билан ёдға олади. Хунарманд киши керагидан ортиқ талаб қилмайди. Баланд ҳиммат киши шундай кишики, борлик ва йўқлик қунлариди ўзгармайди. Жувон — мард шундай кишики, борини халққа эҳсон қилади ва бу ҳақда ҳеч қачон мақтаниб гапирмайди. Гўзал киши шундай кишики, илм, ҳаё, ёқимли хулқ билан безанган бўлади. Доно эса вақт қадрини билади ва шунга қараб умр ўтказайди. Фаросатли киши эса ўз айбини кўради ва ўзгалар фазилатидан оғоҳ бўлади. Сўз соҳибни нимаики гапирса тушуниб туриб гапирайди.

«Баҳр ал-улум»дан

• Кимки яхшилик йўлида уринса-ю бироқ бирор-та ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган ном ололмайди.

Бу тўққиз равақ остида яхши деган ном энг буюк иморатлардан ҳам баландроқдир.

Қанча-қанча одамлар дунёдан йўқлик сари кетишди, катта-катта бинолар қуриб, айвонига номларини битиб қўйишди. Уларнинг тани тупроққа айланди, аммо яхши деган номи ҳамон ўлмай яшамоқда. Яхшилик иморати нуқсонлардан ҳоли бўлиб, тирикликнинг офтоби уларни доимо ҳимоя қилиб туради.

Сен «яхши» деган номдан иморат тиклашға урин, то одамлар бу иморат деворига номингни «яхши» деб ёзиб қўйишсин.

Сен нима билан яхшилик қилиш ёки совуқдан асрайдиган работ қуриш қўлингдан келса, уни қуриш билан яхшилик эт.

Сен пайдо қилган нарсадан кимки осудалик топса, улар ҳам сени осуда бўлишингни ўйлайдилар.

Абдибек ШЕРОЗИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



ИЖОДҚОР БОҒБОН
Фани Абдуллаевнинг номи
«Тошкент оқшоми» мушта...

Қатрлар

ДИЛ ЯРАСИ

Латтадек бўшашиб, беҳушроқ бўлиб ётган одамдан сўрашди:
— Нима қилди? Очиғини айтинг. Билсак тезроқ дардингизга маҳкам топамиз.

ОМОНАТ УЯ

Мусича сўридаги индида ўтириволиб, айвон пештоқида ин кураётган қалдирғочга писанда қилди:
— Ин қуриш шунчалик азобими?! Узоқлардан эринмай битталаб лой таший бериб озиб кетибсан-а.

СУЯНЧИҚ

Дарахт кўп йил яшаб қаригач, баҳорги шамолга дош беролмай, йиқилди.
— Олдимда тўғаноқ бўлиб турувди, кутулдим-а, энди роса яйрайдиган бўлдим, — деди йиқилган дарахтнинг илдизидан ўсиб чиққан ниҳол.

ҚАРИ ТОЛ

Қари тол болтага даста берди. Болта бунинг эвазига тол поясини гўштни қиймалагандек шитоб билан кеса бошлади.
— Ич пўкиллаб турган толга бу ёқмади. «Болтани қўласаму, нахотки менга азоб берса?»

БЕҲУДА ҚАРСАК

— Хосилга кирдингку хуснингни йўқотдинг. Болаларнинг ол қалтак, сур қалтагидан шохларинг узук-юлук. Оғир юкдан белинг майишиб, бошинг ерга тегай дейди.
Мунча ўзингни қийнамасанг? — деди терак ёнидаги олма дарахтига.

Фани АБДУЛЛАЕВ.

Анжуманлар

«СОҒЛОМ ЖАМИЯТ, ОИЛА, АЁЛ ВА ҲУҚУҚ»

Яқинда Чилонзор туманида Тошкент шаҳар ҳокимияти қўлида «Соғлом жамият, оила, аёл ва ҳуқуқ» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
Унда Чилонзор туманида истиқомат қилувчи 43 маҳалланинг фаол аёллари, педагогика ва тиббиёт коллежлари талаба қизлари ва ўқитувчилари қатнашди.

Шахмат санъати қатта маънавий қўлдоқ эди. У сеҳрли мўъжизаси билан сизни қамраб олади. Доғалари сурб ўйнаётганингизда худди расмидек, шир ва босмадордек, олим сизгадек шахмат ўйини бутун қучиш ижод қилишга тўла...

Дарҳақиқат, худди тасвирий санъатдек, шахмат ўйини ҳам ўз гоёлари, гўзаллигини муҳлисига кўрсатиб беради. Шу билан бир қаторда шахмат тахлили ҳам санъат ҳисобланади. Худди шахмат композициясидаги каби тахлил-мушоҳада ҳам ёлғизликда ижод қилинади, у вақт билан чекланмайди, уни спортдагидек натижа қизиқтирмайди.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Машҳур ўқувчи В. Сухомлинский бўлса: «Шахмат ўйини ақлий маданиятнинг бир бўлағи сифатида бошланғич мактаб ҳаётига кириши даркор», деб ёзган эди.

Машҳур ўқувчи В. Сухомлинский бўлса: «Шахмат ўйини ақлий маданиятнинг бир бўлағи сифатида бошланғич мактаб ҳаётига кириши даркор», деб ёзган эди.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони, 27 йил мобайнида шахмат тожини ушлаб турган Эммануил Ласкер бундай асосий нарса кураш, яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти.

СИРЛИ МЎЪЖИЗА ЖОЗИБАЛАРИ

монлар ҳазинасини билади. Лекин энг мушкул жойи шундаки, ана шу аломатлар сезилиб бериб беради. Сенинг нимаки билганинг, нимаки қилишига қодирлигиндан фойда йўқ.

Дунёга машҳур бўлган немис грессмейстери, шифокор Зигберт Таррашнинг шахмат ҳақида айтган фикрини ҳам эслаб ўтас.

Шажмат худди севи сиғари, мусикади кишиларни бахтли қила олади. «Шахмат фақат ақл-заковат мусобақасига бўлиб қолмасдан фель-атворларнинг, зехидроқ баҳси ҳамидир», деб ёзган эди йирк психолог академик Б. Ананьев.

Шахмат


Уш — шахматнинг ўзи нима? Шахмат ўйинининг таги борми ўзи? Аслини олганда шахмат ўйинини бир киши яратмаган. Балки у бутун инсонийт закосининг мавзусидир.

Хўш — шахматнинг ўзи нима? Шахмат ўйинининг таги борми ўзи? Аслини олганда шахмат ўйинини бир киши яратмаган. Балки у бутун инсонийт закосининг мавзусидир.

Хўш — шахматнинг ўзи нима? Шахмат ўйинининг таги борми ўзи? Аслини олганда шахмат ўйинини бир киши яратмаган. Балки у бутун инсонийт закосининг мавзусидир.

ли шахмат тахтасида ва нард шатранж ўйнади. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир хона, бўйи ўн хонадан иборат эди. Амир Темирнинг шахмат ўйнаши ақл-фаросат билан давлат бошқаришда, ҳарбий ишларни тadbirkorлик билан юритишда, жангу жадалга кириш маҳалида кўп асқотган.

«Юкоридаги далиллардан кўриниб турибдики, шахмат беҳисоб гоёлар, чекис комбинацияларга эга кўл гимнастикасидир. Юртимизда, Р. Қосимжонов, С. Юлдашев, И. Ҳамроқулов каби юхир шахматчиларнинг еттиш чилиши эса муштакли Узебжистоннинг шахмат ривож бoрасида ҳам полрк имк-иятларга эга экалининг қирса-тади.



ДИЛХУШ МАШҚЛАР
Ҳар иккала машқда уч юришда мот қилиш тўли мавжуд. Ўйлаб кўр-чи?

Маҳалларда спорт

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ
«ЎРИКЗОР»
Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

Маҳаллага эътибор берсанг, ҳамжихатликда уни ободонлаштириш, ривож-ландиришга ҳаракат қилсанг у том маънода Ватан ичра Ватанга айланишиша шак-шубха йўқ.

бололар жамоадан четлатилди. Ҳафтагача уч марта ўтказиладиган машғулотлар эса болаларнинг жони дили. Натиялар ҳам ёмон эмас.

Шундан кейин жамоа ташкилотчилигида ўтказилган мусобақалар ҳам кўпайиб қолди. Хусусан, маҳалла кунига бағишлаб ўтказилган турнир ҳам ишқибозларда катта қизиқуш уйғотди.

Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб «Ўрикзор» даҳасидаги кишлоқ ҳўжалик-тижорат коллежи ўйингоҳида ўтказилган Мустақиллик Кўбоги мусобақалари ҳам «Ўрикзор» жамоаси учун жиддий снов вазибасини ўтади.

Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб «Ўрикзор» даҳасидаги кишлоқ ҳўжалик-тижорат коллежи ўйингоҳида ўтказилган Мустақиллик Кўбоги мусобақалари ҳам «Ўрикзор» жамоаси учун жиддий снов вазибасини ўтади.

Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб «Ўрикзор» даҳасидаги кишлоқ ҳўжалик-тижорат коллежи ўйингоҳида ўтказилган Мустақиллик Кўбоги мусобақалари ҳам «Ўрикзор» жамоаси учун жиддий снов вазибасини ўтади.

жамоалар аъзоларю мураббийлар республика тоифасидаги ҳакам Ҳасан Рашидовнинг ўйинларни пухта ва адолатли бошқарганидан нохоятда хурсанд бўлишди.

Келажакда мўлжалланган режаларимиз бисёр, — сўзида давом этади Абдусаттор ака Зарипов. — «Мевазор» жамоаси билан биргаллик бизнинг асосий ўйингоҳимиз бўлиб қолган кишлоқ ҳўжалик-тижорат стадиони янги чим ётқизмоқчимиз, трибуналар ўрнатмоқчимиз. Миллий одадимизга кўра ҳашар йўли билан ўйингоҳни замонавий даражага келтирмоқчимиз.

Энди республика миқёсида турнирлар ташкил қилиб, энг кучли маҳаллалар жамоалари билан кўп синашмоқчимиз. Атрофдаги мактабларнинг бошланғич синфлари ўртасида мусобақалар ўтказиб, энг кучли 10—13 ёшли ўсмирларни йиғиб, «Ўрикзор» болалар клубини ташкил этиб ёшлар ўртасида шахар биринчилигида ўз кучимизни синаб кўрмоқчимиз.

«Ўрикзор» болалар клубини ташкил этиб ёшлар ўртасида шахар биринчилигида ўз кучимизни синаб кўрмоқчимиз.

«Ўрикзор» болалар клубини ташкил этиб ёшлар ўртасида шахар биринчилигида ўз кучимизни синаб кўрмоқчимиз.

Турфа ола

РОБОТ — ГИТАРАЧИ
Япониялик муҳандис Сатар Нағасим томонидан робт — гитарачи яратилди. Қашфиётчи ўз «маҳсулотини» реэна-ли «Бармоқлар» ва пластмассага «тирноқлар» билан таъминлади.

Турфида оролида планетамиздаги энг гаройиб ўллардан бири жойлашган. Мухими шундаки, бу кўлас-фальст билан тўларилгандир. XVI асрда англиялик энгичи Уотер Рели бу асфальт қўлдан ўз кемаси корпунми ёпишга фойдаланган.

Турфида оролида планетамиздаги энг гаройиб ўллардан бири жойлашган. Мухими шундаки, бу кўлас-фальст билан тўларилгандир. XVI асрда англиялик энгичи Уотер Рели бу асфальт қўлдан ўз кемаси корпунми ёпишга фойдаланган.

ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОЛПАР

ВАҚТИНЧА ИШЛАМАЁТГАН ВА ИШ ҚИДИРАЁТГАНЛАР ДУҚКАТИГА!

Сирғали тумани ҳокимлиги, меҳнат органи 21 октябрь кун соат 9.00 дан 14.00 гача «Бўш иш жойлари ва вакант ўринлар».
ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ
Ярмаркада иштирок этганлар шахримиз ва тумандаги корхоналардаги бўш иш жойлари билан танишадилар, қисқа вақт ичида ўқув марказида бепул ўқиши ва янги касб эғаси бўлиши учун йўлланма, тўғридан-тўғри ҳуқуқий маслаҳатлар олишлари мумкин.

Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билн таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси жамоаси ёзувчи Дадаҳон Нурий а унинг оила аъзоларига рафиқаси ЧАМАНОЙ аянинг бевақт вафот этганлиги муносабати билн чуқур таъзия ишхор қилади.

Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршаба ва жума кунлари қақди. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қўғоз бичими А-2. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олим уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан.

Ислом КАРИМОВ



Хоразмшоҳ эл-Арслон (1159—1172) вафотидан сўнг тоғу тахт учун ўзаро кураш бошланиб кетади. Ниҳоят, 1172 йили эл-Арслоннинг катта ўғли Текешхон Қора Хитойлар ёрдамида тахтни эгаллайди.

Текешхон салтанат дврида Хоразм давлати узлуксиз урушлар олиб боради ва нуфузи ортади. Хоразмнинг кескин юксалиб боришидан хавфсиз раган Бағдод халифаси Носир Хоразмшоҳдан ўз чегарасида чекланиб қолишни талаб қилади, аммо қаршиликка учрайди. Орада уруш чиқиб, халифанинг қўшини мағлуб бўлади. Ана шундан сўнг, Хоразмшоҳлар билан Аббосий халифалар орасида душманлик бошланади. Текешхоннинг (1172—1200) ўлимидан сўнг Хоразм тахтига ўтирган ўғли Султон Алоуддин Мухаммад (1200—1220) даврида бу душманлик янада кескинлашади. Натижада, ҳар икки томоннинг инқирозига сабаб бўлади.

Гарчи Хоразмшоҳ Султон Алоуддин Мухаммад замонида Хоразм давлатининг ҳудуди кенгайиб, қудрат ва маъқеи энг юксак поғонага кўтарилган бўлса-да, хоразмшоҳлар салтанатининг емирилиши ҳам айнан Алоуддин Мухаммад даврига тўғри келади. Чунончи, биринчидан Алоуддин Мухаммад Бағдод халифасига қарши урушда қўзғалаган мақсадига эришаолмади, аксинча руҳонийлар билан ораси бўзилди. Иккинчидан Султон ўз онаси Туркон Хотун билан қишлоқлашди. Натижада, кучли ҳарбий таянчдан маҳрум бўлади.

Туркон Хотун асли қипчоқ уруғидан бўлиб, Хоразм шох Текешхон қипчоқларни ўзига оғдириш ниятида қипчоқ хонининг қизи — Туркон Хотунга уйланди. Шундан сўнг Туркон Хотун иродасида кўра, салтанатда қипчоқ зодагонлари юксак маъқега эга бўладилар. Туркон Хотун ўз ўғлининг салтанат ишларига бевосита аралашиб, ўз иродасини ўтказишга ҳаракат қиларди. Жумладан валиҳадликка Султон мўлжаллаган Жалолиддинни эмас, балки Туркон Хотун хоҳишига кўра, Султоннинг кенжа ўғли Узлоқшоҳ тайинланади. Умуман, мамлакатда буюк Хоразмшоҳ ҳукмидан кўра, Туркон хотуннинг ҳукми ўқтармоқ эди. Ана шундан икки вазиятлар натижасида буюк Хоразмшоҳлар салтанати ларзага келиб турган пайтда, Шарқда янги империя — мўғуллар давлати барпо бўлиб, унга таланти саркарда Темучин (Чингизхон) раҳнамолик қилмоқда эди.

Чингизхон Хитойни забт этгач, Хоразмшоҳ Султон Мухаммадга элчилар юбориб, дўстлик ва савдо муносабатларини жорий қилишни таклиф қилади. Элчилик муваффақиятсиз тугаллангач, Чингизхон лашкар тортиб, 1218 йили Хоразмга қарши уруш бошлайди. Султон бостириб келаётган мўғулларга қарши кучини тўғри жойлаштиролмади, тўхтовсиз чекина бошлайди. Мўғуллар мамлакатнинг кўп қисмини ишғол қилиб, охирида Султоннинг изидан тушиб, таъқиб остига оладилар. Султон ҳеч қаерда ҳаловат тополмай, кимсасиз оролда вафот этади.

Султон Мухаммад вафоти олдиндан катта ўғли Султон Жалолиддинни валиҳад этиб тайинлайди. Бироқ, вақт ўтган, душман Урганч бўсағасида турарди. Аммо ғайратли, жасур Жалолиддинга хос бўлган ватанпарварлик ҳисси, уни даҳшатли душманга қарши аёвсиз курашга қорлайди. Лекин Туркон Хотун тарафидан тайинланган кўпгина аъёнлар, амалдорлар Жалолиддинни тан олмайдилар. Чунки, Туркон Хотуннинг «Жалолиддиннинг ҳимоясида қолганда кўра, мўғулларга асир тушган яхшироқдир» — деган сўзидан воқиф эдилар. В. В. Бартольд «Сийрати Жалолиддин» асарининг муаллифи Несавийнинг ёзганларига асосланган ҳолда «Туркон Хотун бой ва йирик вилоятларга ҳукмрон бўлиши билан бирга, кучли турк (қипчоқ) қўшинининг ўзига бўлган садоқатидан фойдаланиб, Чингизхон аскарига, ҳеч бўлмаганда Жўжининг ҳарбий қўшилмасига (корпус) жиддий зарба бериши мумкин эдик» — деган фикрни олға суради. Дарҳақиқат, Чингизхон ҳам буни яхши тушунган, бинобарин ўз вақтида Донишманд Хожибни-элчи тайинлаб малика Туркон Хотун ҳузурига жўнатган. Чингизхон элчи орқали гўё ўз мақсадини қисман Туркон Хотунга тушунтиришга ҳаракат қилган. Элчи Чингизхон номидан Туркон Хотунга пайғом етказиб, хон маликага қарши эмас, фақат уни таҳқирлаган ўғли Султон Мухаммадга қарши урушмоқда. Маликанинг қўл остидаги вилоятларга асло даҳл қилмайди, — деб, ваъда беради. Албатта бу қуруқ сафсата эди, ҳолос.

Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллигига

АФСОНаВИЙ БУЮК МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОН
(СЎНГИ ХОРАЗМШОҲ — ҚЎЛЭЗМА МАНБАЛАР ТАЛҚИНИДА)

1220 йил ёзда Туркон Хотун Урганчдан чиқиб, аввал Туркманистоннинг Язир вилоятига, ундан Мозондаронга қочиб ўтади. Ниҳоят, 1220 йилнинг ўрталарида Туркон Хотун мўғуллар томонидан асирга олинади. Султон Мухаммад авлодига мансуб бўлган катта-кичик ўғил болалар қиличдан ўтказилиб, хотин-қизлар эса мўғул саркардаларига тақсимланади. Туркон Хотунни эса Чингизхон ўзи билан бирга Мўғулистонга олиб кетади. Маиболарнинг хабар беришича Туркон Хотун Чингизхон боргоҳининг ёнида занжирбанд ҳолда 1233 йилгача хор-зорликда умр кечиради. Туркон Хотун Урганчдан қочиб кетиш асносида саройда қафилликда сақлаб турилган 20 нафар вилоят ҳукмдорларининг фарзандлари — шахзода ва амирзодаларни кечаси махфий равишда Амударёга чўктиришга буйруқ беради. Шунингдек, хазинадаги олтин-жавоҳирларни ҳам дарёга ташлайтиради...

Султон Жалолиддиннинг замондошларининг берган таърифига кўра, у қорачадан келган азамат йигит эди. У тили жиҳатидан турк бўлса-да, форс тилида ҳам бемалол сўзлашарди. Аскарлари орасида ботирлик ва жасоратда ҳеч ким у билан тенглашаолмас эди. У оғир табиатли киши бўлиб, ғазабини сездирмас ва ҳеч кимни таҳқирламас эди. Кам гап, кўп кулмас, фақат табассум қилиш билан кифояланарди. Султон Жалолиддинни «менгиберди», яъни Жалолиддин Менгиберди деб аташган.

1220 йил декабрида Хоразмшоҳ Султон Мухаммад вафот этгач, Султон Жалолиддин отасини дафн этиб, пойтахт томон юради. Аммо Туркон Хотунга содиқ бўлган йирик амалдорлар Султон Жалолиддинни тан олмайдилар ва пайт пойлаб уни ўлдиришга ҳаракат қилдилар. Бу ҳақда «Равзат-ус-Сафо» муаллифи Мирхонд бу воқеани қуйидагича шарҳлайди.

«Аммо умаройи бад андешлар бир-бирлари била андоқ иттиқоқ этдиларким фурсат чоғида Султон Жалолиддинни ҳалокат варагасига солгайллар. Ва алар орасидини бири Султонга ул маънидин хабар берди. Эраса Субтон билдиким ул жамоайи беомон мундоқ вақтдаким мувофиқат ва иттиҳод этмак маҳалидур лиҳож ва инод қилурлар. Андин сўнгра ўз хос ва даловурлари бирла отланиб фасод йўлидин шодбоҳга азм этди».

Йўлда уни ушлаш учун белгиланган махсус мўғул отрядлари пойлаб турган эдилар. Бироқ Султон Жалолиддин ўзининг баҳодирлиги ва шери фаррондек жасорати туфайли уларни энгиб, кўп ўлжалар олди. Бу тўқнашувда Жалолиддиннинг аскарлари фақат 300 кишидан иборат бўлиб, мўғуллар эса 700 отликдан иборат эдилар. Жалолиддиндан кейин унинг икки укаси ҳам Урганчдан чиқиб акаси Жалолиддин изидан келаётган эдилар. Бироқ улар мўғуллар қўлига тушиб ҳалок бўладилар.

Султон Жалолиддин раванс йўли билан Ғазнага кетади. Мўғуллар эса унинг изидан таъқиб этиб Хирот музофотида Яздун отлик ерга етиб келдилар ва шу ердан орқага қайтиб кетдилар. Жалолиддин Ғазнага етиб боргач, Султон Мухаммаднинг пароканда бўлиб юрган аскарларидан бир жамоаси келиб Жалолиддинга қўшилади. Шундан сўнг Сайфиддин Аъроқ Қангли, халаж ва туркмандан 40 минг киши билан келиб Жалолиддинга қўшилади. Хирот ҳокими Ямин бир жамоа аскарлари билан келиб қўшилади.

1221 йил баҳор фаслида Султон Жалолиддин Ғазнаидан кўп аскар билан йўлга чиқиб, Қобул дарёсининг тармоқларидан бирининг бўйида мўғулларнинг бир отрядини тор-мор этди, улардан мингга яқинини қириб ташлайди. Бу хабар Чингизхонга етгач, у ўзининг таҳрибали саркардаларидан бири — Шики Хотунга деган кишини 45 минг қўшини билан Жалолиддинга қарши юборади. Мўғуллар Жалолиддин қўшини билан Парвон деган маъзеда учрашади. Жалолиддин ўз аскарларига отдан тушиб, от иловини белларига боғлаган ҳолда пиёда бўлиб жанг қилишга фармон беради. Икки кун жанг бўлади. Мўғуллар чарчаганидан сўнг Жалолиддин ўз аскарларига отга миниб жанг қилишга буйруқ беради. Мўғуллар бардош беролмай қоча бошлайдилар. Манбаларнинг хабар беришича Жалолиддин бу жангда аскарнинг ўнг қанотини Темир Маликка, чап қанотини Сайфиддин Аъроқга топшириб, ўзи марказда турган. Энди мўғуллар хийла-найранг ишлатишга ҳаракат қилиб, ҳар бир жангчи ўзининг заҳирода етказиб юрган отининг устига кигиздан одам шаклида қўғирчоқ ясаб, отга миндириб жангга кирсин деган буйруқ берилади. Эртаси жангда мўғуллар сафи кўпайиб хоразмликларни ваҳимага солади. Мўғулларнинг хийласини сезган Жалолиддин ўз аскарига далда бериб, душман хийласини фош қилади ва ўз аскарини жангга олиб қиради. Жалолиддин ҳарбий маҳорат кўрсатиб мўғулларни ўраб ҳалқа ичига олади. Хутунга нубён душманга бардош беролмаслигига кўзи етгач, қолган аскарни сақлаб қолиш учун жанг майдонини ташлаб қочади. Жалолиддин жуда кўп ўлжага эга бўлади. Аммо, ўлжани тақсимлашда Жалолиддиннинг саркардалари ўртасида низо чиқиб, Сайфиддин Аъроқ кечаси ўз қўл остидаги аскарларини олиб кетиб қолади, Жалолиддин ўрдоғида парокандалик вужудга келиб, аскарнинг ярмидан кўпроғи кетиб қолган эди.

Чингизхон ўз аскарининг энгилганини эшитганда ортиқча саросимага тушмайди. 1221 йилнинг кузида Чингизхон катта қўшин йиғиб Султон Жалолиддинга қарши юриш қилади. Шу йилнинг 9 декабрида Чингизхоннинг қўшини Синд дарёси бўйида Султон Жалолиддин қўшинига етиб боради. Чингизхоннинг келаётган хабарини эшитган Жалолиддин, ўз қўшинининг камлигини ҳисобга олган ҳолда, мўғуллар билан жанг қилмасликка ва Синд дарёсини кечиб ўтиб кетишга қарор қилади. Аммо, шўх ва асов дарё қирғоқдан ўн метрлар пастликда, тик жарда оқар эди. Бу жардан дарёга тушишининг асло имкони йўқ эди. Мўғул қўшини тобора яқинлашиб келарди. Тақдир тақозоси билан ноилоҳликда қолган Жалолиддин учун жанг қилишдан бошқа чора қолмаган эди.

Султон Жалолиддин ўз қўшинини «ўқ-ёй»га ўхшаш тарзда тузади. Синд дарёси гўё ёйнинг таноби бўлиб қолади. Тонг ёришиши билан Жалолиддин ўз аҳволининг танглигини назарда тутиб, аскарнинг ўнг қанотини таҳрибали саркарда Темир Маликка топширади, марказининг кўмондонлигини ўз зиммасига олади. Мўғуллар Жалолиддиннинг қўшинига қарши

ғазаб билан жанг бошлаб, даставвал унинг ўнг қанотини эзиб ташлайдилар, сўнгра чап қанотини сафдан чиқарадилар. Энг охирида қалбақ ҳамла қилдилар. Қалбани бошқариб турган Жалолиддин мардонавор жангга киришади. Унинг фақат 7000 кишидан иборат қўшини бор эди. Шунга қарамай улар мўғулларнинг кўп сонли қўшинига қарши баҳодирона жанг олиб борардилар. Мўғул кўмондонлиги Жалолиддин қўшинини ўраб олиш ҳақида буйруқ олганди. Бинобарин, мўғуллар Жалолиддин қўшинини ярим доира шаклида ўраб, дарё томон сиқиб келарди. Чингизхон Султон Жалолиддинни тириклайин тутиб келишга буюради. Мўғуллар халқани тобора сиқиб торайтириб келардилар. Чингизхоннинг мақсадини сезган Султон Жалолиддин, энди қаршилиқни давом эттириш бефойда эканлигига ақли етиб, онаси Ойчечакни, хотини ва бола-чақасини жар ёқасидан дарёга ташлашга буйруқ беради. Аждаҳодек ҳайқириб оқаётган дарё бирин-кетин улоқтирилган хотинлар ва болаларни бир зумда ўз қониға тортиб, оқизиб кетади. Бу жудалик Жалолиддиннинг бутун вужудини ўтдай ёндириб юборади. У қаҳру ғазаб билан ёв устига шердай ташланиб, бир ҳамла билан душман сафини ёриб чиқиб, дарё бўйига келади ва вафодор отига қамчи босиб, тик жардан дарё устига от солади. Қолган аскарлари ҳам доворак саркарда кетидан ўзларини дарёга ташлайдилар.

Мўғуллар қўлдан чиқиб кетган Султон Жалолиддин ва унинг аскарларининг ботирликларига ҳайрон қолиб, аламдан қичқириб юбордилар. Чингизхон аскарлари орасида юз берган шов-шувдан ҳаяжонланиб дарё бўйига келади ва чуқур жар остида ўйнаб оқаётган дарёга қарайди. Унда шер юрак Жалолиддин от устида дарё гирдобини олишиб қирғоқ томон сузиб борарди. Султон Жалолиддин оти билан саломат қирғоққа чиқиб, Чингизхон томонга боқиб, муштини кўрсатиб, ҳали яна қасос олажагини маълум қилади. Бу манзарани жар тепасида туриб қўриб турган Чингизхон, ўғилларига қараб — «Атодин ўғул турса, керақдурким мундоқ туғсун», — деган экан.

Гирдобдан саломат қутулиб чиққан аскарлардан эллик нафар баҳодирлар яна Жалолиддинга ҳамроҳ бўладилар. Бу воқеалар «Равзат ус-Сафо» муаллифи Мирхондиннинг ёзишича, 1223 йилнинг август (Ражаб, 620) ойида содир бўлган.

Жалолиддин 1224 йилнинг бошларида Шероз отабеги Саъд бин Занги ҳузурига элчи юборади. Отабек ўз ўғли Салфуршоҳни 500 отлик билан Султон Жалолиддинга пешовоз чиқаради. Отабек Султонга кўп илтифотлар кўрсатиб, ҳатто бир қизини унинг никоҳига қиратади. Султон Жалолиддин Бағдод халифаси Носирга элчи юбориб, мўғулларга қарши курашда ёрдам беришини сўрайди. Аммо халифа Носир Султон Жалолиддиннинг ота-болаларидан дилгир бўлгани сабабли, ёрдам бериш ўрнига, аксинча Султонни мамлакат ҳудудидан ҳайдаб чиқариш учун 20 минг аскар юборади. Султон Жалолиддин халифа аскарларини тор-мор қилиб, Бағдодни таҳликага солади. Султон Жалолиддин Богдоддан Табризга бориб, шаҳарни қамал қилади. Табриз отабеги Узбек бин Жаҳон Пахлаван эди. Унинг хотини Малика Султон Тўғрол Салжўқийнинг қизи эди. Отабек шаҳарда хотини маликани қолдириб, ўзи Алҳақ қалъасига яширинган эди. Малика шаҳар деворидан душман аскарини кузатаркан, ноғоҳ кўзи Султон Жалолиддинга тушиб, уни севиб қолади ва қозига «Мен эримдан ажрашганман, менинг Султон никоҳига қиршишга фатво беринг», дейди. Маликанинг ёлғон гапирётганини пайқаб, никоҳга фатво бермайди. Шу аснода уламолардан бири маликага «Агар мен қозилик мансабига етишсам, албатта фатво топиб берурман», дейди. Малика мазкур шахсни қозилик мансабига кўтарди. Натижада, Султон Жалолиддин никоҳига қиршиш учун маликага фатво берилади. Малика шаҳарни Султонга таслим қилиб, унинг никоҳига қиради. Бу хабарни эшитган Отабек рашқ ўтида қуйиб оламдан ўтади. Шу билан Табризда Отабеклар салтанати ниҳоясига етади.

Султон Жалолиддин Гуржистоннинг ўша давр ҳукмдори аёл бўлгани ва унинг Султоннинг никоҳига қиршиши ва биргалликда мўғулларга қарши курашиш ҳақидаги таклифига қўнмагани боис Табриздан 30 минг аскар билан Гуржистонга юриш қилади. У Гуржистон билан бир неча марта жанг қилиб, кўп ўлжаларни қўлга қиритади. 1228 йили Султон яна Гуржистонга юриш қилади. Улар Шом ва Рум подшоҳларидан кўмак сўрайдилар. Улар ёрдамга етиб келиб, Султонга қарши жанг бошлайдилар. Бу жангда Султон Жалолиддин орқага чекинади. Шу аснода чопарлар хабар келтирдиким, мўғуллар ҳисобсиз лашкар билан Амударёдан ўтиб бу томонга келадилар. Султон Жалолиддин ўз аъёнларидан бирини аҳволни аниқлаб келмоқ учун Табризга юборади. Бироқ, ул кимса Табризга бориб яхши тафтиш қилмай, мўғуллар аллақачон қайтиб кетибдилар, деган ёлғон хабарни олиб келади... Бу хабардан Султон мамнун бўлади. Шу аснода Султон Жалолиддин қаттиқ уйқудалик чоғида мўғуллар бостириб келади. Пароканда бўлган аскарини йиғиб қарши ҳужумга ўтунча бўлмай, мўғуллар хоразмликларни қиличдан ўтказадилар. Бир ривоятда Султон Жалолиддин мутасаввиф кийимда сайёҳликни ихтиёр қилган, дейилади. Яна бир ривоятда Султон Жалолиддин тоғлар орасига қириб истироҳат қилаётган чоғида қурдрлар унинг от ва кийимларининг илинжида унга тиг санчиб ҳалок қилдилар, дейилади.

Дарҳақиқат, 1231 йил ёз фаслида мўғул ҳоқони Ўқтойхон Султон Жалолиддинга қарши катта қўшин жўнатади. Жалолиддин эса ўзига садоқатли оз сонли аскар билан Курдистон тоғларига чиқиб кетади. 1231 йил 16 августда бир кўрд Султон Жалолиддин амри билан ўлдирилган ақасининг хуни учун, уни найза билан санчиб ўлдиради. Шу билан афсонавий қаҳрамон, ватанпарвар жангчи, буюк қалб эгаси Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт риштаси сўнади.

Тургун ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими.

Хусусан, Алпомиш, Гурўгли каби халқ қаҳрамонларининг ҳаёт йўли қуйланган достонлар синчиклаб таҳлил этилса, уларнинг бевосита ҳомий эрарлар аралашуви, воситачилиги орқали туғилганлигининг гувоҳи бўла-миз.

«Алпомиш» достониди фарзандталаб Бойбўри қуввати тугамаган эчки, давлатчилигимиз Алпомиш Барчиндек фарзандлари сабаб қайта-қайта тикланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз мустақиллигини барқарор қилиб, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрнини эгаллаётган бир пайтда «Алпомиш» сабоқлари, ўғитлари бар-



билан Бойсари қирқ кун Шохимардон пирининг равзасини тунаб фарзанд топадилар. Яъни: Қирқ кун ўртадан аниқ ўтди, боз равадан овоз келди: «Бойбўри, сенга худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди, Бойсари, сенга худойим бир қиз берди, эгиз эмас, ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойиқларни йиғсанг, тўймошалар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларининг отини ўзим қўйиб келаман».

Дарҳақиқат, «Алпомиш» халқимиз ўртасида энг севиб қуйланиб келинган достонлардан бири. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архивида достоннинг қирққа яқин вариантларининг сақланаётганлиги ҳам фикримизни далиллайди.

Улардан Фозил Йўлдош ўғли, Берди бахши, Саидмурод Панох ўғли, Хушвақт бахши вариантлари нашр этилиш арафасида турибди. Айни пайтда Абдулла шоир, Раҳматилла Юсуф ўғли, Эгамберди Олломурад ўғли, Хайдар Бойча ўғли, Зоҳир Кўчқор ўғли, Умр шоир, Мурод Отабой ўғли, Мамарайим бахши, Амин Малиқ ўғли, Аҳмадхон Соиб назар ўғли, Матназар Жаббор ўғли, Бўрибой Аҳмедов, Раззоқ Қозок ўғли, Қодир Раҳимов каби бахши шоирлардан ҳэзи олинган намуналар ҳам алоҳида кадр-кимматга эга. Санаб ўтилган барча таҳмин ва вариантлар орасида тадқиқотчи-олимлар томонидан мумтоз намуна сифатида қайд этилган Фозил шоир вариантлари воқеалар баёнидаги изчиллиги, бадий жиҳатдан мукамаллиги билан ўта қимматли.

«Алпомиш» достонининг сюжетини, қатор мотивларининг туб асослари ҳаёл илгамас даражада қадимий. Бу достон бир жиҳатдан қадим юнон достони «Одиссея» билан тўлаша, бир томондан кўхна Шумер ва ҳинд эпослари билан ҳамоҳанг жарангайди. Ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкин-ки, инсоният маданиятининг бешикларидан бўлмиш Аму ва Сир бўйларида пайдо бўлган бу достон халқимиз маънавий хазинасининг бебаҳо бойликларидан бири бўлиб янграб тураверди.

Тўра МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори,
Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари номзоди.

Газетанинг 4-саҳифасида филология фанлари докторлари Тўра Мирзаев ва Малик Муродовлар томонидан Самарқанд вилоятининг Ёнбош қишлоғида истиқомат қилувчи Эгамберди Олломурад ўғли қуйлаганда ёзиб олинган «Алпомиш» достонидан бир парчани «Оқшом» муштариёлари диққатига ҳавола этамиз.



«Алломиш»нинг катта тўйи

ДОСТОНЛАР ДОСТОНИ

«Туркистон халқларининг муштароқ миллий қаҳрамонлари — Гурӯҳи, Алломиш, Манас, Ойсулу, Авазхон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу одамлар доим ўз атрофларига эли халқни йиғдиладилар, бу юрти обод, ҳаётни фаровон этидилар» — йўлбошимчи Исмоил Каримовнинг бу сўзлари «Алломиш» достонининг минг йилдан бундан қадимий халқимизни бир тану бир жон, дўст, широк, ҳамжиҳат бўлиб яшаш тарзини кўйловчи мадҳия янгиғ жаранглаб келаятигалигига берилган юксак баҳодир.

Уни аждодларимизнинг хуррият учун, озодлик душманлари бўлган қора кучларнинг зўр бериб қиранишларига қарши мардондор курашга чорловчи улугвор кўшиги ҳам дейиш мумкин. Мана, аждодларимиз орзу-умидлари ушунди: «Алломиш» мустақилликнинг бегубор осмониде юксакликларни кўзлаб, парвоз этипти...

«Алломиш» — жаҳон аҳамиятига эга нодир бадиий, қомусий ва илмий қадрияти. Чунки асарда бир халқнинг эзгу ниятларига эмас, бутун инсониятнинг фикр-хаёлини акс эттирувчи соф инсоний муҳаббат, кулгун замин, она-Ватанга садоқат туйғуси, инсонпарварлик ва байналмилаллик, фаровон турмуш ва хуррият гоилари илгари сурилган. Бугун бу достонни «Кинилик жамиятининг бахтли болалиги» деган юксак таърифа сазовор бўлган «Илиада» каби жаҳон эпосининг муштароқ намуналаридан бири, деб баралла айтаемиз.

Бизнинг бугунги озод ва мустақил ўлкамизнинг мусоффо осмони остидаги ҳавас қилса арзийдиган тинч, осойишта ҳаётимиз асоси худди қадимки ўтмишдан ҳозирлаб кўйилгандай. Аждодларимиз бугунгидай ёрқин келажакка, инсонларнинг енгилмас куч-қудрати, яхшиликнинг ёвузлик устидан тантана қилишига асрлар бўйи ишониб келганини «Алломиш»дан билиб оламиз.

Шундай кун ҳам келди: юртимиздаги сиёсий барқарорлик, осойишталик, миллатлараро ҳамдўстлик ва тотувилик хорижий мамлакатлар ҳам тан олмақда.

Эътиборга молик яна бир нарса. Халқимизнинг севилими достони унинг бош қаҳрамони каби кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, тўсиқларга дучор бўлди, ашаддий синовларга дош берди. Қизил империя деган машўм салтанатнинг машўм мафкураси тигини танасида синиб кўрди. Бу синовлар — бардошлилик, чидамлик, жасорат, иродалилик синови, қатъий дунёқараш, ҳақиқий инсоний эътиқод ва халққа садоқат синови бўлди.

Алғов-далғовли 50-йиллар бошида «Ал-

ломиш» достони атрофида бўлган шовшувлар, уни халққа қарши асар деб баҳолашга уринишлар ҳали эсдан чиққани йўқ. Маълумки, тоталитар тузумнинг сталинча ва хрущёвча ҳукмронлик йилларида маданиятга қарши йўналтирилган узоқни кўзлаган «фурқатлар уруши» олиб борилди. Унинг жамият маънавий раванқига қанчалик зарба бергани инсонийлик идеалларини нотўғри, бузиб таниқил қилгани аниқ равшан. Гоявий «уруш» ва яққа мафкура жамиятда маънавий инқироз, маданиятга қарши очик-ойдин йўналтирилган босқинчилик, жаҳон маънавий қадриятларидан воз кечиш, барча илгор жараёнларга шубҳа билан қараш, ҳатто, душманлик ҳиссини уйғотиш каби оқибатларга сабаб бўлди. Оғзаки ижод намуналари таъқиб қилина бошлади. Бахшилар ижоди камситилди. Улар асарларини нашр қилиш, ўрганиш тақиқланди. «Алломиш» «асир» олинди. Унинг қисмати бирин-кетин бошқа халқлар достонларининг ҳам бошига тушди. Татарларнинг «Идигей», қирғизларнинг «Манас», қалмоқларнинг «Жангар», озарбайжонларнинг «Китоби Дада Кўркуд» асари ҳибсга олинди. Миллий эпослар, ўтмиш муштароқ адиблари, султон ва қўмондонларини кўкларга кўтариб мактаётган Шарқ миллатчилари — панисломизм ўчоғи, хорижий мусулмон давлатларининг айқоқчилари деган буткул бўҳтондан иборат таърифлар қўллана бошлади. Темурий шоир ҳақидаги «Навоий» романининг муаллифи Ойбекни фавқуллода хуруж қилган инсулт зўрга «қутқариб» қолди. М. Шайхзода, Шукрулло, С. Аҳмад, Шухратлар камалдилар... Адолат бор экан — ҳақиқатан ҳам, эзгулик галабага эришди ва «Алломиш» оқланди. Бошқа халқлар оғзаки ижодиёти намуналари ҳам муносиб баҳосини олди. Уларни жаҳон таниди.

«Алломиш» достони рус тилига ўғирилган, йилгирма марта қайта-қайта нашр қилинди, русча таржима воятасида бошқа славян тилларида ҳам чоп этилди.

Комилжон Жўраев, филология фанлари доктори, профессор.

«АЛПОМИШ»

ЭГМБЕРДИ ОЛЛОМУРОД ҲҒЛИ КҮЙЛАГАН ДОСТОНДАН ПАРЧА

Пойга таърифи: Парвардигор паноди, Халил билган доноди, Инди кўринг пойгачи — Бойсарининг қизи, деб Ойбарчининг ўзи, деб Шовуллашиб жўнади, Ано дея аноди, Ано дунё гаподи. Ҳар кўзлар пиёлади. Бойсарининг қизи, деб, Саксон саккиз нози, деб, Ойбарчининг ўзи, деб, Шовуллашиб боради. Қилди беглар гайратти, Бари отин ўйнатти. Бовотова Қоражон Армон билан болаини: — Қилип кўйдим уётти, Пойгага келмай ўлай, деб, Тов бошида гам тортти... От боради орллаб, Отқон ўқдай зорллаб, Отти минган шунқорлар Қарчигайдай порллаб... Поллов қилди гайратти, Йўларни тўзонлатти, Ўр келса ўмганлатти, Жилга келса жилп этти, Ариқ келса иргатти. Қуло-қуло чўлларда, Қалқолаб турпоқ отти,



Келаятган пойгачи, Устидаги кийими, Бариси чанга ботти. Бошидаги қалоғи Бариси терга қотти... Қарчигай кўш эркин кўнаро дага, От келади даштдан қуло далага. Уч кеча, уч кундуз ўтди орага. Қоражоннинг Бойчиборга муножати: — Қулоқларинг эрак-серак, Турт оёғинг тикка терак, Бугун бўлдинг бекка керак. Зулфакдорнинг айтган шертин Гайрат минан олмақ керак... Чув, жонивор беддинг оти, Туёқларинг гур-гур питкан, Соврунг дўнғидир, буйринг чўккан, Айбаринг оламаг кетсан. Соврилларинг пондай кўпан, Жабр қилди золим душман, Ирғи, жоним! Бегди оти. Олати ой таблада боқилган. Емини кўриб есин, деб, Жорик қиб шаҳам ёқилган. Аёғини жип қяр, деб, Жипакдан пойвант тоқилган. Эркакнинг қўли захарли деб Қирқин қизларга боқилган. Аёғини тош урар, деб, Ҳобижўш наҳал қоқилган. Аёғига тийган тошлар, Жонғоқдай буб чоқилган. Ҳойибнинг қушидай учгин...

Турфа олам

УЗОҚДАГИ БУЛУТ

Америкалик бир гуруҳ астрономлар Пуэрто-Рикодаги Аресито деган жойда ўрнатилган улкан радио телескоп орқали коинотдаги жуда катта нейтрал водород булутини кўриб қолишди. У ердан тахминан 30 миллион ёруғлик йили узоқлида, Арселон юлдузлар туркуми томонида жойлашган бўлиб катталиги галактикага баробарлашади. Булутдаги водород газининг массаси Кўёш массасидан миллиард марта катта экан. Унинг тева-рак қисми секундида 80 ки-

лометр тезликда айланиб туради. Лекин шуниси номаълумки, бунчалик тезликда қандай қилиб газ тева-ракка сочилиб кетмас экан? Тахмин қилишларича, булут марказида массаси булутдан юз марта катта бўлган қандайдир кўринмас жи-сми бўлиши керакки, газ булутини ўзига тортиб турган куч ана шу жисм бўлса ажаб эмас. Мазкур булут ноғохон топилди. Америкалик радио астрономлар бир қанча галактикаларда 21 сантиметр тўлиқиндаги характерли нур-

ланишга қараб водород газини излашарди. Бир сафар кузатишлар орасидаги та-наффус вақтида олимлар телескопни космоснинг «бўш» жойига тўғрилашди. Шунда ўткир бир сигнал қайд этилди. Кейин маълум бўлиши-ча, бу сигнал манбаи юкорода тилга олинган водород булуту экан. Коинотда бундай булут ягонами ёки кўпми, деган савол астрономлар диққатини ўзига жалб этмоқда.

Шаҳноза ИНОҒОБОВА тайёрлади.

Маҳамматлар

ДОРИВОР МАВРАК

Бу ўсимликнинг бир неча турлари мавжуд. Доривор маврак, зиграк, мармарак шулар жумласидандир. Маврак турлари тоғли жойларда, тоғларнинг ёнбағирларида, қирларда, даладарда ўсади.

Маврак кўп йиллик бўлиб, бўйи 50-100 сантиме-

нафша рангда, бандли, пая ва шохларининг юкори қисмида тўпгулли ҳосил қилади. Июнь-июль ойларига гуллайдилар, меvasи августда пишади. Ўсимлик таркибида эфир мойи, аскорбин кислотаси, «С» дармон дориси, фловонидлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Халқ табобатида ўсимликдан тайёрланган дамова меъда-ичак ва юрак (юрак уриши тезлашганда), буйрак (пешобни тутолмаганда), томоқ оғриғи ва

шамоллаш хасталиklarини даволашда яхши наф келтиради. Шунингдек, ўсимлик дамламасини иштаҳа очишда ва ташналикни қондиришда исди-теъом қилиш тавсия этилади. Янги узиб олинган баргини янчиб, ишишган жойга яра устига қўйилса, яхши наф беради. Ўсимликдан дамова тайёрлаш учун бирор идишга икки стакан қайнаб турган сув қўйилди, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан ёки майда-

ланган баргидан бир ош қошиқ солиб, 2 соат дамбаб қўйилади. Тайёр бўлган дамовадан кунига 3-4 малак таом истеъмолидан олдин ярим стакандан ичялди. Оғиз ва томоқ қайиш учун ҳам дамова юкорида-гидек тайёрланади. Фармацевтикада ўсимликнинг эфир мойи дори-лар таъминни яхшилашда қўлланилади. Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришуна.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

га ўқишга берди. Мунира бу ўқув масканида беш йил давомида ансамбль артисти бўлимида таҳсил олиб, устозлари — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» Зулайхо Раҳматуллаева, Раида Юнусова, Лариса Бескулмуродовлардан рақс санъатининг ўзига хос нозик сирларини, миллий рақс ва халқ сахна рақсларини кунт билан ўрганди.

Нафакат рақс, балки бўш вақтларида китоб ўқиш Муниранинг сеvimли машғулотидир. Ўзбек адабиёти намояндалари, рус ва хориж адабиёти таниб ўқийди. Айниқса, ёзувчи А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан қаён», шунингдек, А. Навоийнинг газал ва рубоийларини қайта-қайта ўқиб, ёд олган.

— Шу йил май ойида «Олтин мерос» халқроқ хайрия жамғармасида «Муножот» рақс дастаси ташкил топди, — дейди биз билан суҳбатда Мунира Каримова. — Дастага Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедова раҳбарлик қиляп-

ти. Мен ҳозир шу дастада меҳнат амалиётини ўтамоқдаман. Яқинда «Муножот» рақс дастасининг тақдирот концерти бўлиб ўтди. Санъатнинг сеҳрли оламига кириб боришимда дастадаги устозларим Қизлархон Дўстмухамедова, Сўғдиёна Исроилова, Зулайхо Бойқоноваларнинг ёрдамлари ниҳоятда катта. Мен ана шундай халқ суйган санъаткорлар билан бирга ишлаётганимдан фахрланаман.

Мунира ҳозирги кунда «Муножот», «Тановар», «Пилла», «Омонёр», «Самарқанд ушшоғи», ўзбек муштароқ кўшиқлари, бухорча ва хоразмча рақсларни жони дили билан, маҳорат ила ижро этмоқда. Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» фестивалида, Мустақиллик байрамига бағишланган концертларда «Муножот» дастаси аъзолари билан қатнашиб, ижро этган рақслари муносиб баҳоланди.

Муниранинг келажакдаги орзулари бир дунё. Рақс санъатининг ўзи-

га хос машаққати-ю муваффақиятлари бўлади. Ана шу машаққатларни енгиб, катта санъат даргоҳига дадил қадам қўяётган Мунира Каримованинг орзуси келгусида ирак санъатининг юлдузлари бўлиши Муқаррама Турғунбоева, Тамирахошим сингари ҳақиқий эл суйган, фидойи раққоса бўлиши.

«Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад таянчимиз бу — ўсиб келаятган ёш авлодимиздир», — деб таъкидлаган Президентимиз ана шундай озод ва обод юртимиз келажига бўлган ҳар томонлама етук, иқтидорли ёшларни назарда тутганлар. Айниқса, бу йилги Аёллар йилида хотин-қизларга алоҳида гамхўрлик кўрсатиб, уларни эъзозлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, «Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши фикримизнинг яққол далилидир.

Ана шу юксак мукофотга тақдир этилганлар орасида Мунира Каримованинг ҳам номзоди бор. Биз ёш қадирғочимиз Мунирага орзулар қанотида юксак-юксакларга парвоз қилиб, санъатимиз ривожига ўз хиссасини қўшишига умид қилаемиз.

Дилбар АҚРОМОВА.



Шаҳримиздаги 169-мактабда 1981 йилдан бундан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, майор Навим Саидов ўқувчиларга ҳарбий таълимдан сабоқ бериб келади. Дарсларда ҳарбий тайёргарлик, амалий машқлар, ҳарбий хизмат асослари тўғрисида суҳбатлар ўтказиб келмоқда. СУРАТДА: Н. И. Саидов XI синф ўқувчиларига ҳарбий ва юридик қонунларни тушунтирмоқда.

Ёш кулолчи хунармандлар ўзлари ясаган буюмларни бир-бирларига намойиш қилмоқдалар (ўнгдаги сурат). Равиль Альбеков олган сурат лавҳалар.



Ишон кўпинча нимадан шикоят қилади? Бошига бирор ташовиш тушганда, қанча елиб-юргани билан мўжаздаги иши қоршимай турганида, умид билан эшик қоқиб кирган идора раҳбарлари уни эътиборсиз қўтиб олсанлари бир сари, бир имо билан қўтиб кетадиган юмушини атайлаб ёки тамағирлик билан катта бир муаммо даражасига кўтарганида, худдас санаввераск қундалик ҳаётимизнинг шу каби оғриқли нуқталари кўп.

Масалан, айтилик, ишга жойлашмиш учун касбингиз бўйича мутахассисликка муштароқ корхона раҳбари олди-га кирдингиз. Уйлаганингиздек мушқулингиз осонликча ҳал бўла қолмайди. Минг чигиридан ўтасиз. Ёки бўлмаса хонадонингиздаги қувурдан сув оқиб кетди. Ижара корхонасига мурожаат қиласиз... Ишдан қолиб у ердан келадиган созловчини кута-кута тоқатингиз тоқ бўлади. Бошингизга ташвиш тушиб маъмурий, суд, нотариал идораларига, касалхоналарга боришдан худо сақласин. У ердаги сансалорлиги, навбат қўтишлар ҳар қандай «темир» қалбини ҳам «жароҳатлайди».

«Оқшомнинг» «Ишонч телефони»га бўладиган кўнги-роқларнинг асосий мазмунини ҳам мана шу мавзулар ташкил этади. — Мен Юнусобод даҳасининг 15-мавзенидаги 57-уйнинг 19-хонадониде яшайман, — дея ўз шикоятини бошлайдиган ўй бекани Ҳафиза Олимова. — Ўтган йили қиш мавсумида томишимдан чакка ўтиб кетди. Шундан бери бизга қарашли ижара корхонасига бир неча марта бордим. У ердагилар ваъда беришди-ю амалий ишдан дарак йўқ. Қишли-қи-ровли кунлар яқинлашган сария ташвишимиз яна ортайтипти. Назаримда бўйлиг ёғин-сочинли кунларини ҳам фақат ваъда-

«Ишонч телефони» хизматингизда

БИЗ СИЗНИ ЭШИТАМИЗ...

Биз эртасига тегишли ижара корхонасига кўн-ғирок қилиб шикоятчининг арзини етказдик.

— Шу ҳафта ичиде ўша жойда таъмирчиларимиз иш бошлашди. Бугун тайёргарлик қўраемиз, — дея жавоб берди бизга ижара корхонаси раҳбари.

Очиги, бу гапга биз унча ишонмадик. Шунинг учун орадан икки кун ўтиб вазият-ни аниқлаш мақсадида шикоятчининг уйига телефон қилдик.

— Гаплари рост, — деди Ҳафиза опа хурсанд бўлиб. — Кечадан иш бошлашди. Бугун кечгача тугаллашса керак. Бу сўздан дилимиз раванш тортиди. Қаранг, бир сўз билан биатадиган ишга одамлар йиллаб оворою сарсон бўлиб юришса. Шу инсофданми? Ахир қилса бўлар экан-ку. Бунинг учун албатта бирор нуфузли идора аралашши ёки юкординдан буйруқ қўтиш шартими?

Фикримизни навбатдаги телефон кўнгируги бузди. Фурқат Одилов ўтган йилда ҳарбий хизматдан қайтганини, мутахассислиги бўйича «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига иш қидириб борганлиги, у ердагилар «Эрта-индин ке-

лининг», деб овора қила-қила охирида: «Бизда сизнинг касбингиз бўйича иш йўқ», деб ҳужжатларини қўлга тутқазганларини айтиб: «Энди қаерга мурожаат қилсам экан», деб сўради биздан. Уз навбатиде биз унга ўзи яшаётган туман меҳнат бир-жасига учрашишини маслаҳат

султ бошланиб бутун ҳаракатимиз зое кетиши мумкин экан. Онажонимизнинг халоскори бўлган раҳмат айтдик. Аммо номига муносиб бўлган «Тез ёрдам»дан ранжидик. — Жанубий Қирғизистон воқеалари барча оналар қатори мени ҳам ташвишга солди, — деб сўз бошлади Шайхонтоҳур туман Саҳорий кўчасининг 10-уйда истикомат қилувчи Холбиби Мўминова.

— Ҳеч бир она ўз фарзанди ҳаётини хавф остида қолдиргиси келмайди албатта. Лекин Ватан тупроғи малъунлар оёғи остида топталаниб турса юрагинг ачишади. Ана шундай кезларда бир нарса мени ўйга толдиради. Ахир ўша босқинчиларни ҳам она туккан, кўрак сuti бериб катта қилган-ку. Айниқса, улар орасида ватанфуршларнинг учраши кечирилмас ҳолдир.

Яқинда мен газеталарда хорижда яшаб юрган жангарилар бошлиқларидан бири Тохир Йўлдошев онасининг: «Ўғлимни оқ қилдим» мақоласини ўқиб қолдим. Онанинг қарғишига учраган бу оқларнинг қисмати аянқли якун топиши шак-шубҳасиз. Чунки дунёда фарзанд учун она қарғишдан оғир жазо йўқ.

Онанинг дил сўзлари бизни ҳам ҳайратга солди. Шунда бирдан хаёлимизга ҳаёт фақат галавли низолардан иборат эмас-ку. Бу ёруғ оламда ёзса ёзгудек қувончли дамлар, хабарлар, воқеалар кўплаб учрайдику. Шундай

экан келинг, энди муштароқларимизни яхши хабарлардан ҳам воқиф этилик, деган ўй келиб қолди. «Яхши ният ярим мол», деганларидек жиринган телефон гушагини кўтарсанг ундан қувноқ овоз эшитилди.

— Бу мен, Аҳмад Собировман. Эсингизда бўлса бундан бир ой илгари «Ишонч телефони» орқали уй-жой муаммоси хусусида сизларга шикоят қилган эдим. Таҳририятнинг аралашувидан сўнг кўп ўтмай оиламизга «Уйжойдамгармабан» томонидан Юнусобод даҳасидан уч нохали хонадон ажратилди. Қуни кеча янги уйга кўчиб ўтдик. Шу муносабат билан келаси шанба бўлиб ўтадим. Лекин ҳовли тўйимизга оиламиз номидан сизларни тақлиф этмоқчиман.

Хушхабар устига хушхабар.

— Алло, 2-тўғруқхонада хотинимнинг кўзи ёриди. Бир йўла иккита фарзанд кўрдик. Бу ердаги шифокор, ҳамширалар бир-биридан ширинсўз, беморга ўта меҳрибон экан. Шулар ҳақида гагарилар бошлиқларидан бири Тохир Йўлдошев онасининг: «Ўғлимни оқ қилдим» мақоласини ўқиб қолдим. Онанинг қарғишига учраган бу оқларнинг қисмати аянқли якун топиши шак-шубҳасиз. Чунки дунёда фарзанд учун она қарғишдан оғир жазо йўқ.

Онанинг дил сўзлари бизни ҳам ҳайратга солди. Шунда бирдан хаёлимизга ҳаёт фақат галавли низолардан иборат эмас-ку. Бу ёруғ оламда ёзса ёзгудек қувончли дамлар, хабарлар, воқеалар кўплаб учрайдику. Шундай

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.